179

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

179 (1699) | 9 сентябрь, 1960 йил, жума | Баҳоси 20 тийин.

Вильгельм Пик

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВИЛЬГЕЛЬМ ПИК ВАФОТ ЭТДИ

БЕРЛИН, 7 сентябрь (ТАСС). Бу ерда Германия Демократик Республикаси президенти Вильгельм Пикнинг 7 сентябрь соат 8 дан 55 минут ўтганда вафот этганлиги ҳақида хабар эълон қилинди. 4 сентябрда унда кескин юрак занфлиги бошланди, бу эса кейинроқ зотилжам касали билан оғирлашди. Ҳароратнинг пасайишига қарамасдан юрак занфлигига таъсир кўрсатиш имкони бўлмади.

Юрак фаолиятининг ва қон айланишининг тўхташи натижасида Пик вафот этди.

Президент Вильгельм Пик вафоти ҳақидаги ахборотга профессор Т. Брушшем, профессор Х. Витбродт, доктор Э. Хэйнике ва доктор В. Кернер имзо қўйган.



СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ СССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети партияга ва Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашларига чуқур қайғу билан хабар қиладиларки, Германия Демократик Республикасининг Президенти, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, Германия ишчи ва коммунистик ҳаракатининг ветерани, халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбобларидан бири, Совет Иттифоқининг содиқ дўсти ўртоқ Вильгельм Пик узоқ давом этган оғир касалликдан кейин 7 сентябрда Берлинда соат 8 дан 55 минут ўтганида вафот этди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ | ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетига
Германия Демократик Республикаси Халқ палатаси Президиумига
Германия Демократик Республикаси Министрлар Советига
Демократик Германия Миллий фронти миллий кенгашига

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети германҳалқининг бошига тушган оғир мусибат — Германия Демократик Республикасининг Президенти Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ Вильгельм Пик вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар ва азиз ўртоқлар ва дўстлар, сизлар билан биргаликда қайғурмоқдалар.

Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари атоқли раҳбар, Германия Коммунистик партияси ва Германия Бирлашган социалистик партиясининг асосчиларидан бири, ишчилар синфининг ишлаучун актив ва фидокор курашчи, Германия тарихида ишчи-деҳқонларнинг биринчи давлати — Германия Демократик Республикасининг ташкилотчиларидан бири ўртоқ Вильгельм Пикдан жудо бўлдилар.

Бутун дунё меҳнаткашлари ўртоқ Вильгельм Пикнинг вафоти муносабати билан қайғирмоқдалар. Вильгельм Пик пролетар революционерига хос ўзининг бутун ажойиб ҳаётини бутун дунё меҳнаткашларининг манфаатини ҳимоя қилишга бағишлаган эди.

Содиқ марксчи-ленинчи ўртоқ Вильгельм Пик жаҳон коммунистик ва ишчи ҳаракати бирлиги ва жипслигини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшди. У, Германия Демократик Республикасининг Президенти лавозимида ўзлуксиз ишлаб келиб, ўзининг бутун кучини, бутун жўшқин ғайратини Маркс—Энгельс—Ленининг улуғ ғояларини амалга ошириш учун, Германия Демократик Республикасида социализм қуриш учун, бирлашган, тинчликсевар демократик Германияни вужудга келтириш учун курашга сарф қилди.

Совет қишилари ўртоқ Вильгельм Пикни фашизмга ва милитаризмга қарши тўлмас курашчи, бутун дунёда тинчлик иши учун курашчи деб биладилар. Революционер ва антифашист бўлган Вильгельм Пик фашист истибдоди устидан ғалаба қозониш пайтини яқинлаштириш учун бутун чорани кўрди ва ана шу ғалабани Германияни тинч, демократик йўлдан ривожлантиришнинг ҳал қилувчи шарти деб ҳисоблади. Ўртоқ Вильгельм Пик пролетар интернационализми позицияларида маҳкам турди, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай кураш олиб борди, Совет Иттифоқининг содиқ ва самимий дўсти бўлди ва немис ҳамда совет халқлари ўртасида дўстона ва қардошлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишига бебаҳо ҳисса қўшди.

Герман халқининг улуғ фарзанди, Германия тарихида биринчи ишчи-деҳқонлар давлатининг биринчи президенти ўртоқ Вильгельм Пикнинг порлоқ образи Совет Иттифоқи халқлари хотирасида абадий сақланади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ | ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Германия Демократик Республикаси президенти Вильгельм Пикни дафн этиш маросимига СССР ҳукумат делегацияси

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Германия Демократик Республикасининг Президенти, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ Вильгельм Пикнинг дафн маросимида иштирок этиш учун СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев (делегация бошлиғи), СССРнинг ГДРдаги элчиси, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат М. Г. Первухин, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси Д. Ф. Устинов, РСФСР ташқи ишлар министри С. Г. Лапиндардан иборат СССР Ҳукумат делегациясини юборишга қарор қилдилар.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети Германия Демократик Республикасининг президенти Вильгельм Пик дафн этиладиган 10 сентябрь кунини мотам куни деб эълон қилишга ва мотам байроқлари осиб қўйишга қарор қилди.

ЎЗКОМПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ОКТЯБРЬ ПЛЕНУМИ ШАРАФИГА

500000 тонна пахта учун!

Ҳосили пишиб етилган майдонларда танлаб теришни қизғин давом эттирайлик, шошма-шошарлик билан хом пахтанинг терилишига сира йўл қўймайлик!

☆ ☆ ☆

ПАХТА ТЕРИШ ВА ТАЙЁРЛАШ ИЛҒОРЛАРИ УЧУН ҚЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ВА МУКОФОТ

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1960 йилги пахта ҳосилини териб олиш ва тайёрлашда энг яхши кўрсаткичларга эришган областлар ва Қорақалпоғистон АССРга бериш учун иккита, районларга бериш учун 8 та ва совхозларга бериш учун битта кўчма Қизил байроқларини таъсис этдилар.

Кўчма Қизил байроқ илғор областларга ва Қорақалпоғистон АССРга, районларга ва совхозга мавсум бошидан бери пахта териш ва давлатга сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни қандай бажарганликларига, сўнгги ўн кунликда энг яхши натижага эришганликларига, пахтани машинада териш юзасидан берилган топшириқни қандай адо этганликларига ҳамда давлатга пахтани юқори сифатли қилиб топширганликларига қараб ҳар ўн кунда бериб борш белгиланди.

Кўчма Қизил байроқ Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашининг тақдими бўйича 20 сентябрдан бошлаб берилади.

Кўчма Қизил байроқ билан бир вақтда пахта теримида намуна кўрсатган колхозчиларни, совхоз ва РТС ишчиларини, пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини ва тайёрлаш ташкилотларининг ходимларини мукофотлаш учун илғор областлар ва Қорақалпоғистон АССР га 25 минг сўм миқдорида пул мукофоти, шунингдек илғор колхозларга сотиш учун 20 та юк ва иккита енгил автомашина; илғор районга 10 минг сўм; илғор совхозга 5 минг сўм ва битта енгил машина топшириш белгиланди.

Область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига область партия комитетларининг, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг, область ижроия комитетларининг районларга бериш учун биттадан ва совхозларга бериш учун биттадан кўчма Қизил байроқларини таъсис этиш топширилди. Қизил байроқ топшириш вақтида пахта теримида намуна кўрсатган илғорларни мукофотлаш учун илғор районга 5 минг сўм ва илғор совхозга 3 минг сўм пул мукофоти қўшиб берилади.

Давлатга пахта сотиш юзасидан олган мажбуриятини 1960 йил 7 ноябргача бажарган районларга бериш учун 30 минг сўм миқдорида пул мукофоти белгиланди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, область ташкилотларига машина терими юзасидан берилган топшириқни бажармаган областлар (Қорақалпоғистон АССР), районлар ва совхозларни кўчма Қизил байроқ беришга тавсия этиш тақиқланди.

САҲОБАТ БИР КУНДА 125 КИЛОГРАММ ПАХТА ТЕРДИ

Кенг пахтазор. Азамат кишиларнинг ҳалол меҳнати туфайли етиштирилган бўлиқ кўсаклар лўппи-лўппи бўлиб очилган. Ана шундай серҳосил пахтазорнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган йўлдан бораверар эканмиз, оппоқ пахта хирмончасига кўзимиз тушди. Тарози шу ерга ўрнатилган. Хирмонгача яқинлашганимизда енги тирсаккача шимарилган, зуваласи пишиқ бир қиз икки этак пахтани олиб келиб, шу ерга бўшатди. Хирмон деганимиз унинг терган пахтаси экан.

Колхозчилар Саҳобат Деҳқонбоеванинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. Ўтган йили у бригаданинг хирмонига 27 тонна «оқ олтин» териб топширди. Ғайрати жўш урган Саҳобат бу йил 35 тонна пахта териш мажбуриятини олган. У терминнг биринчи куниёқ граммдан пахта териб топширмоқдалар. Кўпминг килограммчи теримчиларнинг бу иш натижалари бошқа теримчиларни ҳам ишга руҳлантираяпти.

Машина теримига ҳам шаймиз. Мавжуд 6 та терим машинаси аллақачон ремонтдан чиқарилиб, тахт қилиб қўйилган.

Колхозимиз аъзоларининг ғайрати зўр. Колхоз активлари — бригадирлар, звено бошлиқлари, агрономлар билан маслаҳатлашиб чиқдик. Ҳамма имкониятларни ҳисобга олдик ва сентябрда давлатга йиллик планнинг 43 процентти миқдорида пахта топширишимиз мумкин деган қарорга келдик. Бу қарорнинг қоғозда қолиб кетмаслиги учун ҳамма тадбирий чораларни амалга оширамиз.

Биз кундан-кунга теримни кучайтира бориб, сентябрда албатта ваъдамизнинг устидан чиқишга эришамиз.

Исліддин ҲАЙДАРОВ,
Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг раиси.

СЕНТЯБРДА ҚИРҚ УЧ ПРОЦЕНТ ПАХТА ТОПШИРАМИЗ

Ёз бўйи фидокорона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирган колхозчиларимиз теримни уюшқоқлик билан бошлаб юбордилар. Бу йил биз 800 гектар ерда пахта етиштирдик. Ҳар гектар ердан кам деганда 28 центнердан, жами 2740 тонна пахта топшириш мажбуриятини олганмиз.

Далаларимизда, очиқ айтиш мумкин, ана шу мажбуриятни қоплайдиган ҳосил бор. Эндиликда ҳамма ган шу ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олишда қолди. Шунинг учун ҳам колхоз правлениеси терим кампаниясига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрилишини таъминлади. Хирмонлар, қоп-қанорлар, тош-тарозиларни шай қилиб қўйган ҳолда, теримни бошлаб юбордик. Бу тайёргарлик дастлабки кунларданоқ яхши натижалар бера бошлади.

6 сентябрь куни колхозимиз бўйича 72 киши теримда қатнашиб, уларнинг ҳар бири 60—65 килограммдан пахта терди. Жами терилган пахтани ҳисоблаб кўрган эдик, 4400 килограммдан ташкил этди.

Бригадаларимиз ўртасида ўзаро социалистик мусобақани кучайтиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Ҳозир ўртоқ Турсун Фахратов бошлиқ 3-бригада олдинда бормоқда. Бу бригада аъзолари 120 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олганлар.

Бригадада терим гоятда уюшқоқлик билан ўтказилаётир. Хирмонга тобора кўп пахта топширилаяпти. Кеча бу бригадада 14 киши ишлаб, уларнинг ҳаммаси 1500 килограмм пахта терди.

Шунингдек Мамадали Ҳамдамов, Қурол Дўсаев, Эгамберди Худойбердиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам йиғим-терим ишлари намунали ташкил этилганлигини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак.

Теримга тушишдан олдин колхозимизда кўпмингкилограммчи теримчиларнинг йиғилиши бўлиб ўтган эди. Шунда Турди Йўлдошева, Жаннат Бадалова, Зарифа Масодиқова Инобат Жуманова, Адолат Абдураимова сингари чевар теримчиларимиз сўзга чиқишиб, ҳар биримиз мавсумда кам деганда 15—20 тоннадан пахта терамиз, деб айтишган эди. Бу чеварлар дастлабки кунларданоқ ўз сўзларининг устидан чиқиш учун гайрат кўрсатиб меҳнат қилаётирлар. Улар кунига 85—145 килограммдан пахта териб топширмоқдалар. Кўпминг килограммчи теримчиларнинг бу иш натижалари бошқа теримчиларни ҳам ишга руҳлантираяпти.

Машина теримига ҳам шаймиз. Мавжуд 6 та терим машинаси аллақачон ремонтдан чиқарилиб, тахт қилиб қўйилган.

Колхозимиз аъзоларининг ғайрати зўр. Колхоз активлари — бригадирлар, звено бошлиқлари, агрономлар билан маслаҳатлашиб чиқдик. Ҳамма имкониятларни ҳисобга олдик ва сентябрда давлатга йиллик планнинг 43 процентти миқдорида пахта топширишимиз мумкин деган қарорга келдик. Бу қарорнинг қоғозда қолиб кетмаслиги учун ҳамма тадбирий чораларни амалга оширамиз.

Биз кундан-кунга теримни кучайтира бориб, сентябрда албатта ваъдамизнинг устидан чиқишга эришамиз.

Исліддин ҲАЙДАРОВ,
Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг раиси.

Асосий эътибор сифатга қаратилмоқда

ЯНГИБОЗОР, (ЎзТАГ). Юқори Чирчиқ районининг колхозлари пахта теримини бошлаб юбордилар. Бу ишга Свердлов номидаги, «Правда», «Политотдел», «Ленинизм» колхозлари биринчи бўлиб киришди.

Хўжаликларда дала ишларининг дастлабки кунларидан бошлаб сифатга катта эътибор берилмоқда. «Политотдел» колхозида пахта терими бошланиши олдидан участкалар теримчиларнинг шахсий жавобгарликларига топширилди. Бу тадбир ишнинг сифати учун пахтакорларнинг жавобгарлигини ошириб, колхозчилар топшириқларни қай тарзда бажараяпти. ганликлари устидан яхшироқ контроль ўрнатиш имконини беради.

Район колхозлари тайёрлов пунктига дастлабки бир неча тонна «оқ олтин» топширдилар.

„МАЛИК“ СОВХОЗИ ҒЎЗА БАРГЛАРИНИ ТЎКИШГА КИРИШДИ

СИРДАРЁ. (ЎзТАГ). «Малик» совхозининг коллективи ғўза баргларини кимёвий препаратлар ёрдамида тўкишга Ўзбекистонда биринчи бўлиб киришди.

Янги кимёвий препаратлар — кальций селитраси, кальций цианамиди ва суюқ цианамид бу хўжаликда биринчи марта қўлланилмоқда.

Совхозда заҳарли аралашмалар тайёрлайдиган установка ишга туширилди. Самолётлар ва бошқа машиналар бу дорилар билан таъминланиб турилади. Установка пахтачилик махсус конструкторлик бюросининг инженерлари А. В. Бутирин ва А. Л. Романов томонидан ясалган. Установка ғўза барглариии тўкиш билан боғлиқ бўлган энг кўп меҳнат талаб қиладиган процесслардан бирини механизациялаштириш имконини беради. Установка соатига 5 тонна заҳарли аралашмалар ишлаб чиқаради. Бунда хизмат қилувчи ходимлар сони ана шу ишни қўл билан бажаришдагига нисбатан 3—4 баравар камаяди.

«Малик» совхозидаги бутун пахта майдонида ғўзаларнинг баргларини сунъий усулда тўкишга қарор қилинди.

Хўжалик ҳисобига ўтган бригадалар

Яқинда Янгиер шаҳридаги 2-«Боёвут» совхозида хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаётган бригада ва звеноларнинг конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда совхоз план бўлимининг бошлиғи, экономист ўртоқ А. Макаревич хўжалик ҳисобининг афзаллиги тўғрисида гапирди. Бу соҳада катта натижаларни қўлга киритаётган бригадаларнинг ишларидан мисоллар келтирди. Масалан, Араб Шаропов, Мамаражаб Пардаев ва Оллоназар Тўраев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳозирги кунгача оддий бригадаларга қараганда 15—20 минг сўм кўп пул тежаб қолинди.

Конференцияда бригада ва звеноларнинг бошлиқлари ҳам музокарага чиқиб, ўз тажрибаларини гапирдилар.

Х. ЗИКРИЛЛАЕВ.

Оққўрғонлик Турсуной

ОҚҚЎРҒОН, (ЎзТАГ). Оққўрғонликлар комсомол аъзоси Турсуной Қуроловани ҳурмат қилишиб, «бизнинг Турсуной» дейишади. Рост, Турсуной Қуролова машина билан ҳали бир тонна ҳам «оқ олтин» тергани йўқ. Аммо у шу мавсумнинг ўзидаёқ машинада пахта териб, Турсуной Охунованинг ўтган йилги кўрсаткичига эришишга қатъий аҳд қилган.

Т. Қуролова пахта териш машинасини ҳайдашни Вревскийдаги механизация мактабида — Охунованинг раҳбарлиги остида ўрганиб, амалий машғулотларни ҳам унинг бригадасида ўтказди. Турсуной мактабни тамомлагандан кейин, ўзининг жонажон Ленин номли колхозига қайтиб келди.

Ёш механизатор механик-ҳайдовчиларнинг район кенгашида сўзга чиқиб, мавсумда 200 тонна пахта териб бераман, деб ишонтирди.

Бўка районидаги «Бўка» совхози. Вильямс номли, Охунбобоев номли, XIX партсъезд», Ильич номли колхозларда пахта йиғим-терими қизиб кетди. Суратларда: (чапдан) 1. Ильич номли колхознинг биринчи бригадаси табельчиси Малик Турсунқулов кўпмингкилограммчи теримчи Тожи Мусаеванинг терган пахтасини қабул қилиб олмоқда. 2. Колхознинг 2-бригадасида терим пайти. 3. Кўпмингкилограммчи теримчи ўртоқ Унсин Ойбўтаева. Унсун мавсумда 10 тонна пахта териш мажбуриятини олди. Ҳозир у кунига 60 килограммдан ошириб пахта термоқда. М. Шевелев фотолари.







ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҚ СОВЕТ АДАБИЁТИ ҲАФТАЛИГИ

ҚАРДОШ АДАБИЁТЛАР БАЙРАМИ

6 сентябрь кечқурун Навоий номидаги опера ва балет театрида шодиёна вазият ҳукм сурар эди. Бу ерда шу куни Ўзбекистонда Қозоғистон адабиёти ҳафталиги тантанали суратда очилди. Театр фойесида қозоқ адабиётини юксалтиришда қўлга киритилган ажойиб муваффақиятларни ва бу адабиётнинг кўп миллатли Ватанимиздаги бошқа халқларнинг адабиётлари билан мустаҳкам алоқаларини акс эттирувчи каттакон виставка ташкил қилинган эди. Бу ерда Қозоғистон ёзувчиларининг янги китоблари сотилиб турилди. Сотувчилар билан бир қаторда қардош республикадан келган адибларнинг ўзлари ҳам туриб, кўпдан-кўп китобхонларга ўз автографларини тақдим этар эдилар.

Театр зали кишилар билан лиқ тўлган. Ўзбекистон пойтахтининг меҳмонлари — Қозоғистон ёзувчилари делегациясининг аъзолари, таниқли ўзбек адиблари, фан ва санъат арбоблари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари президиумдан жой оладилар.

Президиумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари — М. А. Абдураззоқов, Г. Ф. Наймушин, Ё. С. Насриддинова, Ш. Р. Рашидов, А. Н. Рудин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари С. О. Азимов ва Н. Ж. Худойбердиев, республика маданият министри С. М. Муҳамедов ва бошқа ўртоқлар бор эдилар.

Ўзбекистонда Қозоғистон адабиёти ҳафталиги бошланишига бағишланган кечани республика Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ҳамид Ғулом очади. Ўртоқ Ҳамид Ғулом бу ерда тўпланганларни атоқли қозоқ ёзувчилари билан таништирар экан, залда гулдурос қарсаклар янграб эшитилади. Бу ёзувчиларнинг асарлари ўзбек китобхонларига жуда таниш бўлиб, китобхонлар бу асарларни севиб ўқимоқдалар.

Ўртоқ Ҳамид Ғулом шу нарсани таъкидлаб ўтадики, ўзбек ёзувчилари учун яхши традиция бўлиб қолган қардош адабиётлар вакилларининг амалий ижодий учрашувлари бутун ижодий ишни янги босқичга кўтаришда уларга ёрдам бермоқда, уларнинг бадиий методларини бойитмоқда. Бу учрашувлар адабий кеча ва ҳафталар доирасидан чиқиб, совет халқлари ҳаётбахш дўстлигининг чинакам байрамига айланиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ўтказилаётган Қозоғистон адабиёти ҳафталигининг хусусияти шундаки, бу ҳафталик Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларининг ижодий интеллигенция намояндалари билан яқинда Москвада бўлиб ўтган тарихий учрашувидан кейин ўтказилмоқда. Партия бизнинг олдимизга Коммунистик партиянинг улуғвор режалари ва ишларига халқни жалб этиш, ҳозирги вақтда турмушнинг ҳамма соҳаларида инсон бахт-саодати йўлида рўй бераётган улуғвор ўзгаришларнинг чуқур мазмунини очиб беришдан иборат биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифаларни кўндаланг қилиб қўйди. Мамлакатимиз халқлари ҳаётида ҳар куни бунёдга келаётган янги, коммунистик воқеликларнинг ҳаммаси билан миллий традицияларни бойитиш зарур эканлиги ҳақида партия томонидан берилган кўрсатма ёзувчилар учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Бошланаётган ҳафталик ҳозирги вақтда қардош республикалар адабиётларига хос бўлган янги умумий хусусиятларни аниқлашга, шубҳасиз, кўп жиҳатдан ёрдам беради.

Қозоғистон адиблари делегациясининг бошлиғи Сабит Муқонов Ўзбекистон ва Қозоғистон ёзувчиларининг дўстлиги ҳақида ҳаяжонли нутқ сўзлади.

Атоқли қозоқ танқидчиси Муҳаммаджон Қоратаев Қозоғистон адабиёти тараққиётининг асосий тенденциялари ҳақида сўзлаб беради. Ҳозирги вақтда, дейди у, коммунистик жамият барпо этмоқ учун умумхалқ томонидан олиб борилаётган кураш, совет халқларининг дўстлиги темалари республика ёзувчилари ижодиётининг асосий темалари бўлиб қолди.

Худди ана шу темалар Ўзбекистон ёзувчилари учун ҳам етакчи темалардир, дейди ўзбек шоири Ғафур Ғулом. Етти йилликнинг ҳар бир янги йили, совет республикалари экономикаси ва маданиятини юксалтириш соҳасида қўлга киритилаётган ҳар бир янги зафар ана шу темаларни адибларга кўрсатиб бериб турибди.

Қозоқ шоирларидан Тоир Жўраков, Ғали Ўрмонов, Ҳамид Ерғалиев, Дихан Абилов, Сирбой Мавленов, Жубан Мўлдағалиевлар Ўзбекистон ва унинг ажойиб кишиларига бағишланган ўз шеърларини ҳаяжон билан ўқиб берадилар. Сергей Бородин истеъдодли қозоқ ёзувчиси Сабит Муқонов билан кўп йиллардан бери давом этиб келаётган ўз дўстлиги ҳақида сўзлаб беради. Шоир Уйғун қозоқ адибларига бағишлаб ёзган шеърида «Дўстлик бизга илҳом бағишлайди», деб хитоб қилади.

Ғали Ўрмонов ўзбек ёзувчиларининг қозоқ тилига таржима қилинган асарларини Ўзбекистон адибларига тақдим этади. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Рамз Бобожон ўз навбатида қозоқ ёзувчиларининг ўзбек тилига таржима қилинган асарларини меҳмонларга совға қилиб топширади.

Республика Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Асқад Мухтор СССР Ёзувчилар союзи секретариатининг, шунингдек машҳур қозоқ ёзувчиси, Ленин мукофоти лауреати Мухтор Авезовнинг Ўзбекистонда ўтказилаётган Қозоғистон адабиёти ҳафталигининг қатнашчиларига юборган табрик телеграммаларини ўқиб беради.

Кеча охирида катта байрам концерти бўлди. Концертда Ўзбекистон санъат усталари қатнашдилар.



Суратда: Ўзбекистонда ўтказилаётган қозоқ совет адабиёти ҳафталигига қатнашиш учун келган Қозоғистонлик меҳмонлар ўзбек ёзувчилари орасида.

В. Косовский фотоси.

ҚОЗОҚ ЁЗУВЧИЛАРИ — ҒАФУР ҒУЛОМ МЕҲМОНИ

Қозоғистон адабиёт ҳафталигида қатнашиш учун Ўзбекистонга келган қозоқ ёзувчиларининг бу ерда қалин ёр-дўстлари кўп. Улар улкан ўзбек шоири Ғафур Ғуломни ўз оғамиз деб айтишади. Шоир Ғафур Ғулом азиз меҳмонлар билан кўришиб, қардош адабиётларнинг истиқболи тўғрисида, шахсий ижодий режалар тўғрисида бемалол суҳбатлашиш учун уларни ўз уйига таклиф қилди.

7 сентябрь куни эрталаб Ғафур Ғулом ҳовлисининг эшиклари Қозоғистон адабиётининг вакиллари учун кенг очилди. Уларни мезбон билан биргаликда кўзга кўринган ўзбек ёзувчилари, шоирлари, драматурглари кутиб олдилар.

Хоналардан бирига ёзилган катта дастурхон атрофида адабиётчиларнинг ўтириши бўлди. Ғафур Ғулом меҳмонларнинг сиҳат-саломатлиги ва ижодий муваффақиятлари учун қадаҳ кўтарар экан, совет кишиларининг бутун ҳаёти, кўп миллатли совет адабиёти, дўстлигимизнинг ҳаётбахш нури билан ёритилгандир, деди. Шу нарса қувончлики, дейди шоир, — биз қайси тилда ёзмайлик, барибир энг ажойиб, энг қудратли киши тўғрисида, энг довюрак инсон тўғрисида — коммунистик қурилишларнинг қаҳрамонлари тўғрисида ёзамиз.

Қозоқ ёзувчилари делегациясининг бошлиғи Сабит Муқонов бунга жавобан қадаҳ кўтаради: — Ғоят шод-хуррамлик билан кутиб олганлигингиз ва меҳмондўстлигингиз учун сизларга минг раҳмат, — деди қозоқ шоири. — Сизнинг асарингиз мазмуни жиҳатидан ўзбек халқининг қалбидек кенг бўлсин, сизнинг асарингиз шакли жиҳатидан ўзбек халқининг қалбидек гўзал бўлсин.

Ўзбек ва қозоқ ёзувчилари ўртасида бошланган қизғин суҳбат боғда ҳам давом этди. Улар ишком остида ўтириб, қозоқ халқининг энг севимли ичимлиги — қимиз ичишди, қимиз тўла пиёла дўстлар даврасида айланиб турди. Дўстлар қадимий шоирларнинг одати — мушоира, айтишу, шоирлар мусобақасини эслашади. Шундан кейин ўзбек ва қозоқ ёзувчилари ўзларининг янги асарларини бирин-кетин ўқиб бердилар.

Мана, Тоир Жўраков. У Ўзбекистонга бағишланган шеърини ўқийди. Ундан кейин шеърхонлик навбати Ғафур Ғуломга келади. Ҳамма у қайси шеърни ўқиркан деб бетоқатлик билан кутади. Ўзбек шоири Ғафур Ғулом Тоир Жўраковнинг шеърини қозоқ тилида ўқиганида ҳамма таҳсин ўқийди.

Қардош республика ёзувчиларининг дўстона суҳбати бир неча соат давом этди.

7 сентябрь кундузи қозоқ ёзувчилари делегациясининг аъзолари Мирзачўлга жўнаб кетдилар.

(ЎзТАГ).

ҚОЗОҒИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ МИРЗАЧЎЛДА

ЯНГИЕР, 8 сентябрь. (**ЎзТАГ махсус мухбири**). Ўзбекистонда ўтказилаётган Қозоғистон адабиёти ҳафталигининг қатнашчилари бўлган ёзувчилар тушган машиналар кеча кундузи республика пойтахтидан чиқиб, Янгийўл тош йўли бўйлаб Янгиер шаҳри томон равона бўлади.

Шу куни эрталаб шоир Ғафур Ғуломнинг уйида бошланган қизғин ижодий мунозара бутун йўл бўйи давом қилиб борди. Қардош республикалар ёзувчиларининг ҳаёти янгиликларга шу қадар бойки, улар ана шу янгиликларни бир-бирларига айтиб беришни истайдилар-у бироқ бунинг учун вақт озлик қилаётганга ўхшайди.

Автомашинадан қозоқча ашулалар эшитилади. Шоир Тоир Жўраковнинг ёқимли овозига Собит Муқонов билан Ғали Ўрмоновлар ҳам жўр бўладилар. Бунга жавобан ўзбек адиблари ҳам ўз ашулаларини айта бошлайдилар.

Мана Янгиер шаҳри ҳам кўриниб қолди. Ашулалар, ижодий мунозаралар тиниб, ҳамманинг ҳаяжонланаётганлиги сезилиб турибди. Машиналар кичик равондан ўтаркан, уларнинг кўз олдида ёшлик шаҳрининг улуғвор манзараси намоён бўлади. Қўриқ ерлардаги кўпгина янги қурилишларни кўрган қозоқлар бу ердаги қурилиш ишларининг кўламларини кўриб, беҳад севинадилар бу ишларга қойил қоладилар.

«Главголодностепстрой» бошлиғининг ўринбосари Д. К. Тирсицкий меҳмонларни кутиб олади. Унга кўпдан — кўп саволлар берилади. Меҳмонлар қўриқ ерларни ўзлаштираётганларнинг меҳнат соҳасида қўлга киритаётган муваффақиятлари ҳақида батафсил сўзлаб беришни ундан илтимос қилишади. Мирзачўлнинг Қозоғистон томонидан ўзбек халқига совға қилиб топширган территориясида ишнинг қай тарзда бораётганлиги меҳмонларни айниқса қизиқтиради. Қозоқ адиблари эшитган — билганларини ўзларининг ён дафтарларига мамнуният билан ёзиб олдилар.

Шаҳар бўйлаб сайр қилинади. Ер ости суғоришнинг тажриба участкаси қардош халқ вакилларининг энг кўп эътиборларини жалб этади. Ёзувчилар янги суғориш методи қандай иқтисодий натижа бераётганлигини ва унинг истиқболи ҳақида мутахассислардан кўпгина нарсаларни сўраб-билиб оладилар. Дарҳақиқат, бу суғориш усули ўзининг порлоқ истиқболларига эга бўлиб, совет адиблари эса ҳамма нарсани билишлари лозим. Уларга ёмғир ёғдирадиган машина ва бошқа мукаммал техника кўрсатилади.

Сўнгра меҳмонлар Жанубий Мирзачўл канали қурилишининг участкаларидан бирини бориб кўрадилар. Ёзувчилар шу ернинг ўзидаёқ дўстлик ўрнатган ишчилар орасида ўзбеклар ҳам, қозоқлар ҳам, руслар ҳам, тожиклар ҳам бор... Габит Мусрепов уларнинг ишларига жуда муносиб баҳо бериб, «Интернационал бригаданинг зарбдор марши» деб атайди.

Янгиерда қош қорайган пайтда бу ердаги ёзлик кинотеатрида зўр тантана бошланади. Қўриқ ерларни ўзлаштираётганлардан бир мингдан кўпроқ киши бу ерга тўпланган эди. Яна бир қизиқарли рақам қозоқ ёзувчиларига маълум қилинади. Мирзачўлни ўзлаштиришда иштирок этаётган 40 тадан кўп миллатнинг вакиллари бу ерга тўпланган эдилар.

Қардош адабиётларнинг интернационал алоқаларига бағишланган адабий кечани Д. К. Тирсицкий очади. Ўзбекистон ёзувчилари союзи правлениесининг секретари Ҳамид Ғулом бу ерга тўпланганларни қозоқ адиблари билан таништиради. Танқидчи Муҳаммаджон Қоратаев қозоқ совет адабиётининг ривожланиш йўллари ҳақида сўзлаб беради. Тоир Жўроқов, Жубан Мўлдағалиев, Дихан Абилов ва бошқа қозоқ шоирлари ўзларининг қозоқ ва ўзбек халқларининг бахтли қисматига қўриқ ерларни буйсундираётганларнинг шавкатли меҳнатига бағишланган шеърларини ўқиб берадилар. Энг кекса қозоқ ёзувчиларидан бири Собит Муқановнинг оддий бир батракдан академиккача бўлган йўлни қандай босиб ўтганлиги ҳақидаги ҳикояси мароқ билан тингланади. Ўртоқ Собит Муқанов ҳозирги вақтда «Марварид океани» номли роман устида ишлаётганлигини, ўзининг бу китобида Қозоғистон қўриқ ерларини буйсундираётган меҳнаткашларнинг меҳнатдаги қаҳрамонликларини акс эттириш ниятида эканлигини қурувчиларга айтиб беради.

Янгиер шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Сардаров, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бетончи М. Мамадалиев, тўртинчи мактабнинг ўқувчиси Тамара Додонова, 74-мактабнинг ўқитувчиси М. Тўлабоевлар меҳмонларга қарата табрик сўзлари айтадилар.

Қозоқ ёзувчилари қудратли Сирдарёнинг соҳилларида ҳам бўлдилар. Бу дарё ҳар иккала республиканинг ерларига сув бериб турибди. Меҳмонлр далаларга сув чиқарадиган гигант тўғонни кўздан кечирдилар. Ҳамид Ғулом шу тўғон турган жойнинг ўзида мислсиз қаҳрамонлик кўрсатган Фарҳод ҳақидаги ўлмас афсонани сўзлаб берганда Собит Муқанов:

— Сизнинг истеъдодли халқингиз минг йиллар давомида орзу қилган қаҳрамонликларнинг ҳаммаси замонамизда рўёбга чиқди, — деб хитоб қилди.

Қозоғистон ёзувчилари делегацияси ва уларга ҳамроҳ бўлган ўзбек адиблари Бекободга жўнаб кетдилар.

Аҳолига савдо хизматини янада яхшилайлик

ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР САВДО ХОДИМЛАРИ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИДАН

Етти йилликнинг улуғвор режаларини бажараётган меҳнаткашларга маданий савдо хизмати кўрсатиш, аҳолининг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини қондириш ҳозирги пайтдаги асосий вазифаларимиздан биридир.

Кечагина Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида бўлиб ўтган Тошкент область ва шаҳар савдо ходимларининг актив йиғилиши ана шу муҳим масалани муҳокама қилди. Йиғилиш қатнашчилари республика савдо министри ўртоқ Саримсоқовнинг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Савдо-сотиқни янада яхшилаш чоралари ҳақидаги қарори муносабати билан Тошкент область ва шаҳар савдо ходимларининг вазифалари тўғрисидаги докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Докладчи ва музокарада сўзлаган нотиқлар савдо-сотиқда эришилган муваффақиятларни кўрсатиб ўтдилар.

Бу йил республикамизда чакана товар обороти 1953 йилга нисбатан 86 процентга ўсди, аҳолига кенг истеъмол моллари сотиш анчагина кўпайтирилди. Областимизда, Тошкент шаҳрида ҳам бу соҳада сезиларли ўзгаришлар бўлди. Савдо тармоқлари кенгайтирилди. Янги-янги магазин ва ошхоналар қурилди. Кўпгина савдо тармоқларида сотувчисиз ишлайдиган магазинлар ташкил этилди. Йиғилиш қатнашчилари қўлга киритилган ютуқларини қайд қилиш билан бирга асосий эътиборни мавжуд камчиликларни бартараф қилишга ҳам қаратдилар.

Йиғилишда янги савдо объектлари қурилиши масаласига жиддий эътибор берилди. Яқин 2 йил ичида Тошкент шаҳрида турли хилдаги саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қиладиган 176 та павильон ва 15 та ёзги кафе қуриш белгиланган. Областнинг районларида эса улардан 70 таси қурилиб фойдаланишга топширилади.

Шуни айтиш керакки, кўпгина савдо ташкилотлари ўз ихтиёрларидаги автомат, холодильник ва технология ускуналаридан жуда қониқарсиз фойдаланаётирлар. Бунга мисол қилиб Тошкент ресторанлар тресты, Октябрь район пишчеторги ва Чирчиқ шаҳар савдо ташкилотларини кўрсатиш мумкин.

Сўзга чиққан ўртоқлар савдо қилишда янги, прогрессив методларни кенг қўллаш, айниқса ихтисослаштирилган магазинлар сонини кўпайтириш жуда зарур эканлигини уқдириб ўтдилар. Лекин ҳозирги пайтда бу иш ёмон йўлга қўйилган. Тошкент шаҳрида фақатгина 165 та магазинда янги, прогрессив метод қўлланилмоқда, холос.

Бунинг сабаби нимада? Энг асосий сабаблардан бири шуки, кўпгина савдо ташкилотларининг раҳбарлари бу масалага бир томонлама ва ҳафсаласизлик билан қарамоқдалар.

Товарларни тарқатиш соҳасидаги жиддий камчиликлар ҳам ҳақли равишда танқид қилинди. Аҳоли талабларини тинмай ўрганиш унутиб қўйилмоқда.

Молларни етказиб берувчи саноат корхоналари адресига жиддий эътирозлар билдирилди. Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши республика Савдо министрлигининг айрим арзон нархдаги кенг истеъмол молларини кўпайтириш ҳақидаги таклифларини амалга оширишда сусткашлик қилмоқда. Савдо ташкилотлари саноат корхоналари билан ҳамкорликда иш олиб боришни ҳалигача яхшиламаганлар.

Йиғилишда кадрлар билан ишлаш масаласи ҳамон қониқарсиз эканлиги айтилди. Шаҳар ва областдаги кўпгина савдо ташкилотларининг раҳбарлари ходимлар ўртасида тарбиявий ишни бўшаштириб юборганликлари, кадрлар танлашда партия принципларини қўпол равишда бузаётганликлари конкрет мисолларда очиб ташланди.

Шаҳар ва район ижроия комитетлари, матлубот жамиятининг раислари, трест директорлари харидорларга маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш масаласига жиддий эътибор беришлари керак.

Савдо ходимларининг кўпчилиги софдил, халққа ҳалол хизмат қилаётган кишилардир. Лекин айрим савдо ташкилотлари раҳбарларининг бепарволиги орқасида савдо хизматига суқилиб кирган баъзи шахсиятпараст, виждонсиз ходимлар ҳам йўқ эмас.

Яқинда давлат савдо инспекцияси томонидан Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ ва Оржоникидзе район матлубот союзига қарашли магазинларда текшириш ўтказилганда 475 номдаги саноат ва озиқ-овқат товарларидан 183 номдаги товарга ошиқча нарх қўйиб сотилаётгани аниқланган. Тошкент шаҳридаги айрим магазинларда ҳам ана шундай аҳвол. Бундан ташқари, савдо ташкилотларида содир бўлаётган йирик растрата ва социалистик мулкни талон-тарож қилиш каби фактлар бор эканлиги айтилди.

Тошкент шаҳар савдо бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Аллахвердов, гастроном конторасининг бошлиғи Золов, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг секретари Ёқубов, Гулистон район партия комитетининг секретари Пронин, Қуйи Чирчиқ район матлубот жамиятининг раиси Муродов, Чирчиқ шаҳар умумий овқатланиш трестининг директори Федулова ва бошқа ўртоқлар ўз сўзларида йиғилиш қатнашчиларининг эътиборини энг зарур товарларни кўпайтириш, савдо тармоқларини кенгайтириш учун қўшимча бинолар қуришга қаратдилар.

Йиғилишда пахта йиғим-терими бошланган шу кунларда қишлоқ меҳнаткашларига аъло даражада савдо хизмати кўрсатиш энг асосий вазифа эканлиги таъкидланди.

Йиғилиш қатнашчилари область ва шаҳардаги барча савдо ходимларига қарата мурожаат қабул қилдилар.

Актив ишида область партия комитетининг секретари С. М. Веселов, область ижроия комитетининг раиси Х. Жалилов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоев ва шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. Маърупов ўртоқлар иштирок этдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ С. М. ЖАЪФАРОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан ҳамда Совет давлати олдидаги хизматлари учун Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Сафтор Мамед ўғли **Жаъфаров Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1960 йил, 7 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Д. Д. ЭРЛИХГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН ВА ТЕХНИКА АРБОБИ» ДЕГАН ФАХРИЙ УНВОН БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти учун ва туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан Тошкент молия-иқтисод институти директорининг ўринбосари профессор Давид Дмитриевич **Эрлихга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» деган фахрий унвон берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари И. БАБКОВ.

1960 йил, 7 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

МАИШИЙ ТЕМАДА

ҲАҚЛИ ТАЛАБ ҚОНДИРИЛСИН

Ёқут опа жуда диққат. У, нимадандир ҳижолат тортиб кунни кеч қилди. Эрталаб эри ишга кетаётиб, бугун кечқурун тўртта ўртоғим меҳмонга келади, ҳовлига сув сепиб, овқатга эртароқ унна, деган эди. Опа рози бўлди. Лекин у эрига ваъда беришга берди-ю, кейин пушаймон қилди. Ниҳоят ҳовлига сув сепиб, яхшилаб супурди, ахлатни челакка солиб, ҳовли ўртасида хаёл суриб қолди. Дам челакни кўтарганича маҳалла комиссиясининг идорасига, дам милиция бошқармасининг участка вакили олдига, дам район санитария инспекциясига бормоқчи бўлди.

Ниҳоят челакдаги ахлатни ҳовлининг бир чеккасига тўкди-да, овқатга уннади. Меҳмонлар келишди. Овқат тайёр бўлди. Бироқ меҳмонлар ҳам, уй эгалари ҳам ўзаро гаплашиш, ҳузур қилиб овқатланиш ўрнига, қўлларига дуч келган нарсани олиб, пашша ҳайдаш билан овора бўлдилар.

Бу воқеа фақат Абдураҳмонованикида содир бўлгани йўқ. Санитария-гигиена масалаларига эътиборсизлик билан қаралаётганлиги, озодагарчиликка риоя қилинмаётганлиги, уйларда тўпланган ахлатларни чиқариб ташлаш учун жой йўқлиги каби фактлар Октябрь районидаги Черкисальский, Комсомол, Намуна, Низомий ва бошқа маҳаллаларда содир бўлмоқда. Сўзсиз бу аҳвол аҳолини ранжитмоқда.

Маҳаллалар ўртасидаги майдонда йиғилиб қолган ахлат кўп вақтлардан буён олиб кетилмайди. Бу ерда уймалашиб ётган пашшанинг сон-саноғи йўқ. Пашшалар тобора кўпроқ уруғ қўйиб кўпаймоқда ва маҳаллалардаги хонадонларга тарқалиб, антисанитария ҳолатини вужудга келтирмоқда.

Юқоридаги маҳаллаларнинг меҳнаткашлари ахлат ташлаш учун алоҳида яшиклар ўрнатиш, тўпланиб қолган ахлатни олиб кетиш ҳақида район санитария инспекцияси, милиция бўлимига бир неча бор мурожаат қилдилар. Лекин бундан ҳануз натижа чиққани йўқ. Энди район ижроия комитети бундай ташкилотларнинг раҳбарларига нисбатан тегишли чора кўриши ва меҳнаткашларнинг ҳақли талабини тезда қондириши керак.

И. ШОҒУЛОМОВ,
Ҳ. ЮНУСОВ,
Р. АХТЕМОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» *материаллари изидан*

„ЭСИЗ ЖОЙ, ЭСИЗ БИНО“

Октябрь ошхоналар трестига қарашли 12-сон ошхона хўрандаларга хизмат қилишда юз бераётган жиддий камчиликлар тўғрисида газетамизнинг шу йил 9 июль сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган хабарга редакция қуйидаги жавобни олди:

Хабарда кўрсатилган камчиликлар текширишда тўла тасдиқланди. Текшириш натижалари трест бирлашган касаба союз комитетининг кўчма мажлисида муҳокама қилинди ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилишга қаратилган амалий тадбирлар белгиланди.

Совет савдоси қоидаларини бузганлиги ва хўрандалар билан қўпол муомалада бўлгани учун официантка ўртоқ Ожерельева вазифасидан бўшатилди.

Ошхона мудири Аҳмедов, бош повар Абдуллаев ва чойхоначи Алимов ўртоқлар ўз ишларида кескин бурилиш ясашлари зарурлиги, акс ҳолда уларга нисбатан қаттиқ маъмурий чора кўрилажаги тўғрисида огоҳлантирилди.

Октябрь ошхоналар трестининг директори Низомов».

„ХАЁЛПАРАСТЛАР“

Шу сарлавҳа билан газетамизнинг 26 июль сонида босилган мақолада Бекобод РТСи раҳбарларининг пахта териш машиналарини ремонт қилишда жиддий камчиликларга йўл қўяётганликлари танқид қилинган эди.

Редакцияга маълум этилишича, мақола район партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилиниб, унда пахта териш машиналарини ремонт қилиш ишларининг бориши тўғрисидаги танқидий фикрлар тўғри деб эътироф қилинган ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан амалий тадбирлар кўрилган. Натижада ремонт ишлари жадаллаштирилиб, РТС ихтиёридаги 59 пахта териш машинасининг ҳаммаси 25 августда ремонтдан чиқарилган ва давлат комиссияси томонидан қабул қилинган.



Биринчи сентябрь арафасида Бекобод шаҳрида ўнбир йиллик янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мактабда машғулотлар бир сменада олиб борилмоқда. Ҳозир бу ерда 600 ўғил-қиз таълим олмоқда. Суратда: мактабнинг ташқи кўриниши.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ташкилий-оммавий ишлари қандай аҳволда эканлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Қабул қилинган қарорда айтилишича, шаҳар ижроия комитети кейинги йилларда ташкилий-оммавий ишни анча яхши йўлга қўйди. Аммо бу ишнинг даражаси КПСС XXI съездининг қарорларидан келиб чиқадиган талабларга ҳали муносиб эмас.

Тошкент шаҳридаги бир қанча маҳаллий Советларда сессияларни чақириш юзасидан Конструкцияда белгиланган муддатларга риоя қилинмаётир. Масалан, Куйбишев район Совети ижроия комитети шу йилнинг саккиз ойи мобайнида фақат икки марта сессия ўтказган. Айрим ҳолларда сессияларга пухта тайёргарлик кўрилмайди ва сессияларда депутатлар тўлиқ қатнашмайдилар ва етарли даражада активлик кўрсатмайдилар. Советларнинг қарорларидан аҳоли батафсил хабардор қилинмайди, қарорларни бажариш соҳасида олиб борилаётган иш қониқарли эмас. Шаҳар Совети ижроия комитети, шунингдек район Советлари, жумладан, Ленин, Калинин ва Октябрь район Советлари ижроия комитетлари аҳоли ўртасида ҳисоб бермаётирлар, ўзларининг амалий ишларида доимий комиссияларнинг ёрдамидан кам фойдаланмоқдалар.

Қарорда таъкидлаб ўтилишича, Тошкент шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари депутатларнинг сайловчилар билан алоқасини янада мустаҳкамлаш соҳасида зарур ташкилотчилик ишларини олиб бормаётирлар. Баъзи депутатлар сайлов округларига онда-сондагина борадилар, уларнинг аҳоли ўртасида қиладиган ҳисоботлари кўпинча расмиятчиликдан иборат бўлиб қолади. Сайловчиларнинг наказлари ва таклифларини бажариш учун тегишли чоралар кўрилмаётир.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ва бир қанча район ижроия комитетларининг иш услуби ва методларида сансалорлик ва бюрократизмга бутунлай хотима берилган эмас. Тошкент шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг ташкилий-оммавий ишларидаги жиддий камчиликлар шаҳарда хўжалик ва маданий қурилиш планларини, хусусан янги уй-жойларни фойдаланиш учун топшириш планини бажаришга ёмон таъсир кўрсатмоқда. Янги уй-жойларни фойдаланиш учун топшириш плани атиги 20,9 процент бажарилган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ташкилий-оммавий ишдаги жиддий камчиликларни кўрсатиб, Тошкент шаҳар ижроия комитети ва унинг раиси Х. А. Маъруповнинг эътиборини шунга жалб этди. Ана шу камчиликларни тезликда йўқотиш тадбирлари белгиланди.

Республика Олий Совети Президиуми шу мажлисда Фарғона областидаги судлар Ўзбекистон ССР Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларини қандай қўлланаётганликлари тўғрисидаги масалани ҳам қараб чиқди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлисида бошқа бир қанча масалалар ҳам муҳокама қилинди. (ЎзТАГ).

Бешта академиянинг илмий марказлари

Тошкентнинг шарқи-шимолий чеккасидаги юз гектарлик массивда энергетика, ўсимлик моддалари кимёси, органик кимё институтлари биноларининг пойдевори қурилди. Ўзбекистон фанлар академияси ҳисоблаш марказининг корпуси қад кўтарди. Бу бинолар — янги академик шаҳарчанинг дастлабки иншоотларидир. Унинг бош планини СССР Фанлар академияси ҳузуридаги илмий текшириш муассасаларини лойиҳалаш бўйича институтнинг яқинда ташкил этилган Ўрта Осиё филиали тузди.

Филиалнинг бош инженери И. Ҳ. Шахсуваров Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбирига қуйидагиларни айтди:

— Етти йиллик мобайнида Ўрта Осиё республикаларида ва Қозогистонда миқёс жиҳатидан революциядан илгариги Россиядаги ҳамма илмий текшириш муассасаларидан кўп бўлган илмий марказлар вужудга келтириш кўзда тутилган. Шу сабабли лойиҳалашни қурилиш жойига яқинлаштириш керак бўлиб қолди.

Тошкент академик шаҳарчаси жуда катта паркда жойлашади. Унинг маркази катта гулзор бўлади. Гулзор атрофига Академия президиуми, Олимлар уйи, ўн миллион томга мўлжалланган асосий кутубхона корпуслари жойлашади. Бу ердан бошланган аллеялар тармоқ илмий комплексларига олиб боради. Комплекс қуриш принципи бир-бирига ўхшаш институтларни қўшни қилиб жойлаштириш, қудратли экспериментал базалар ва ёрдамчи хизматлар вужудга келтириш имконини беради. Масалан, кимё комплексида ўсимлик моддалари кимёси, полимерлар кимёси, ёнилғидан фойдаланиш институтлари бир-бирига қўшни бўлади. Шу жойнинг ўзида модель установкалар корпусини қуриш мўлжалланади. Бу корпусда лаборатория тадқиқотлари ярим саноат шароитида ўтказилади. Математика, физика, геология ва бошқа комплекслар ҳам худди шу принципда вужудга келтирилади.

Олмаота, Сталинобод, Ашхабод ва Фрунзе шаҳарларида ҳам академик шаҳарчалар қуриш лойиҳаси тузилди.

Ҳамма шаҳарчаларда уй-жой кварталлари, клублар, спорт майдончалари учун жой ажратилган.

Турли профилдаги институтларни қуриш вақтида типовой лойиҳалардан фойдаланиш ҳамма вақт ҳам мумкин бўлмайди, лекин бу ҳол қурилишнинг индустриал методларидан фойдаланишни истисно қилмайди. Биноларнинг кўп қисми унификация қилинган деталлардан йиғилади, олдиндан таранг қилинган темир-бетон конструкциялардан кенг фойдаланилади.

ИЖОДКОРЛАР

«Ташкенткабель» заводи ўзининг кўплаб ихтирочи ва рационализаторлари билан машҳур. Бу ерда ижодкорлар ишлаб чиқаришга кўплаб таклифларни жорий этиб, етти йиллик фондига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ҳозир 170 янгилик изловчилар ўз шахсий ҳисобларига эга. Улар махсус дафтарга ўзлари ижод қилган таклифни ёзиб борадилар.


Яқинда ишчилардан Александр Кравцов, Борис Тарасов, Павел Токарев ўртоқларнинг телефон-телеграф кабелларини прессловчи АНВ-115 маркали станокни қисман реконструкция қилиб, унга қўшимча технологик асбоб ўрнатиш ҳақидаги таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди. Натижада пресслаш станоги юқори унум билан ишлай бошлади.

Механик Николай Исаев сим ўраш машинасининг тезлик коробкасини модернизация қилиб, унинг бир меёрда ишлашига имкон яратди.

Корхонада кўп йиллардан бери ижодий меҳнат қилиб келаётган мастер Павел Токаревнинг станок ва машиналарни такомиллаштиришга қаратилган рационализаторлик таклифлари 1 миллион сўмдан ортиқ фойда келтирди.

Заводда ижодкор ишчилар сафи тобора кенгаймоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 273 та рационализаторлик ва ихтирочилик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилиб, давлатнинг 3,5 миллион сўмлик маблағи тежаб қолинди.

Р. ТУРСУНОВ.



Лаълихон 10-синфни тугатгач, тўғри Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж фабрикасига ишга келди. Эндиликда у мураккаб операцияларни ҳам моҳирлик билан бажарадиган бўлиб қолди. Лаъли Рафиқова шу кунларда смена топшириқларини 140—150 процентгача етказиб бажармоқда. Суратда: ўртоқ Л. РАФИҚОВА иш устида.

М. Нуриддинов ва А. Абалян фотоси.



БУЛАР ҲАМОН ОЛДИНДА

Оҳангарон цемент заводи қурувчиларининг кўп сонли коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига социалистик мусобақани қизитиб юборди. Ҳар бир қурувчи ўзининг муносиб меҳнат совғасини тайёрлаш тараддудида. Бу соҳада КПСС аъзолигига кандидат Юра Булгаков бошлиқ комсомол-ёшлар комплекс бригадаси аъзолари ҳаммага намуна бўлмоқдалар. Бу бригада 1-қурилиш бошқармасининг 3-участкасидагина эмас, балки бутун «Узбекшахтострой» трестида ҳам ном қозонди.

Ёшлар яқинда коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номни олиш учун курашга қарор қилдилар. Шундан кейин ишлар тағин ҳам юришиб кетди. Бригада аъзолари доимо бир-бирларига ёрдам берадилар. Шу сабабли улар ўртасида топшириқни бажармайдиган киши йўқ. Ҳамма фақат ишдагина эмас, балки юриш-туришда ҳам бошқаларга намуна кўрсатишга ҳаракат қилади. Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун! Бу комсомол-ёшларнинг жанговар шиори.

Аҳил ва иноқ коллектив шунинг учун ҳам доимо юқори кўрсаткичларни қўлга киритмоқда. Мана натижалари, июль ойи топшириғи 187 процент қилиб бажарилди. Ёшлар трестда биринчилар қатори август ойи планини ҳам муддатидан илгари адо этганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Т. САИНАЗАРОВ,
Б. УМАРОВ.

Оҳангарон цемент заводи қурилишининг бетончилари.

АМЕРИКА РАЗВЕДКАСИ ЯНА БАРБОД БЎЛДИ

ЖУРНАЛИСТЛАР УЙИДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

<>

6 сентябрда Москвада, Журналистлар марказий уйида совет ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси бўлди.

СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлимининг мудири М. А. Харламов матбуот конференциясини очиб дедики, АҚШ миллий хавфсизлик агентлигининг икки ходими ғойиб бўлганлиги тўғрисида шу йил августнинг бошида чет эл матбуотида АҚШ мудофаа министрлигининг ахбороти эълон қилинган эди. Шу ахборотда, жумладан, ғойиб бўлган ходимлар АҚШ миллий хавфсизлик агентлигида узоқ вақтдан бери ишлаб келган Бернон Митчелл ва Вильям Мартин деган кишилар эканлиги айтилган эди.

АҚШ миллий хавфсизлик агентлигининг ғойиб бўлган ходимлари ҳозир Москвада турибди ва улар совет ҳамда чет эл мухбирларининг матбуот конференциясида тақдиришни илтимос қилиб, мурожаат этдилар.

Митчелл ва Мартин АҚШ билан алоқани узишга қарор қилиб, Совет ҳукуматидан сиёсий важларга кўра, сиёсий бошпана беришни илтимос этдилар. Уларнинг бу илтимоси рад қилинмади. Бундан ташқари Совет ҳукумати уларнинг совет гражданлигига ўтиш тўғрисидаги илтимосини ҳам қабул қилди. Ҳозир Митчелл ва Мартин тўла ҳуқуқли совет гражданларидирлар.

Сўнгра М. А. Харламов Митчелл ва Мартинни матбуот конференцияси қатнашчиларига таништирди.

Бернон Митчелл улар ёзган баёнотни ўқиб берди. Улар бу баёнотни июнь ойининг охирида, АҚШдан кетишдан олдин Мариланд штатидаги Лорел шаҳрида «Стейт—Бэнк оф Лорел»да қимматли буюмларни сақламоқ учун Бернон Ф. Митчелл номига ижарага олинган 174-қутида қолдирган эдилар. Бу баёнот уларнинг Совет Иттифоқидан сиёсий бошпана сўрашга нима сабабдан қарор қилганликларини Америка халқига тушунтириб бермоқ учун Америка матбуотида эълон қилиниши мақсадида ёзилган эди.

Америка миллий хавфсизлик агентлигида 1957 йил ёзида ишлай бошлаганимиздан бери, дейилади баёнотда, Қўшма Штатлар ҳукумати ўз сиёсатини оқламоқ учун, шунингдек бошқа давлатларнинг ҳаракатларини қоралamоқ учун атайин ёлғон ва одамларни лақиллатадиган баёнотлар чиқараётганлигига қаноат ҳосил қилдик. АҚШ ҳукумати бирор мамлакат ҳукуматини Қўшма Штатларга дўст эмас, деб ўзича ҳисоблаган тақдирда шундай ҳукуматларни агдариб ташлашга уринмоқ учун баъзан пул ва қуроллардан махфий равишда фойдаланаётганлиги ҳам бизга маълум бўлиб қолди.

АҚШнинг баъзи ҳаракатларидан норози бўлиб, ўзимиз изҳор қилган норозилик ва ташвишлардан ташқари бизнинг СССРга жўнаб кетишга қарор қилганимизга бошқа қучли сабаблар ҳам бор эди. Афтидан бизнинг асосий қарашларимиз ва фикрларимиз Совет Иттифоқидаги кишиларнинг кўпчилигига маъқул бўлмоқда. Шу сабабли биз Совет Иттифоқида социал жиҳатдан ўзимизни яхшироқ ҳис қиламиз ва ўз касбларимизга мувофиқ яхшироқ ишлайдиган бўламиз деб, ҳисоблаймиз.

АҚШда коммунизмга қарши бўлган баъзи кишилар СССРга қарши превентив уруш очишни тарғиб қилмоқдалар. Улар ўз қарашларига қарши бўлган фикрдаги халқни қиришга олиб келадиган шундай йўл билан ўз хавфсизликларини таъминламоқчи бўлаётирлар, Вильям Мартин ва Бернон Митчелл бу баёнотни ССР ҳукумати билан маслаҳатлашмай ёзганликларини қайд қилиб ўтдилар. Баёнотда айтилишича, улар ўзларининг бу ҳаракатларини Америка халқига ўз сўзлари билан ва ўзлари яшамоқчи бўлган мамлакатдаги ҳукумат пропаганда мақсадида шундай гапларни айтишга ўргатди, дейишга ўрин қолдирмайдиган йўл билан тушунтириб бермоқчи бўлганлар.

Сўнгра, Вильям Мартин шу матбуот конференцияси учун Бернон Митчелл билан биргаликда ёзилган баёнотни ўқиб берди. Бу баёнотда айтиладики, Америка ҳукумат маъмурлари бизнинг АҚШда қолдирган баёнотимизни эълон қилиш тўғрисидаги истагимизни бажо келтирмади. Уларнинг фикрича бунинг сабаби фақат шуки, Эйзенхауэр — Никсон ҳукумати ўз сиёсатининг баъзи жиҳатлари Америка халқига маълум бўлиб қолишини истамаётир.

Бизнинг илтимосимиз билан чақирилган шу матбуот конференциясида, дейилади баёнотда, бизни АҚШдан чиқиб кетишга қандай сабаблар мажбур қилганлигини кенг жамоатчиликка, хусусан Америка жамоатчилигига тушунтириб беришни истар эдик. Биз, жумладан, разведка мақсадида бошқа мамлакатларнинг осмон чегарасини қасддан бузиш сиёсатидан ҳамда АҚШ ҳукумати шундай бузишлар хусусида жамоатчиликни алдаш ниятида ёлғон баёнотлар эълон қилишни одат қилиб олганлигидан жуда ташвишланмоқдамиз.

Баёнотда айтиладики, Мартин ва Митчелл миллий хавфсизлик агентлигига ишга кирмасдан олдин ўзларини америкача яшаш тартибининг ҳолис тарафдорлари деб ҳисоблаб келганлар. Бироқ АҚШ ҳукуматининг кейинги йилларда ўтказиб келаётган сиёсати уларда шу сиёсат кўзлаган мақсаднинг тўғрилигига жиддий шубҳа туғдирган. Сўнгра Мартин ва Митчелл Америка ҳарбийларининг баъзи нормоянадаларини ва сиёсий арбобларини зўр бериб қуролланишни ва «биринчи зарба» бериш сиёсатини тарғиб этаётганликлари учун каттиқ танқид қилдилар. Шундай шахслар орасида, дейилади баёнотда, икки киши—АҚШ стратегия авиациясининг қўмондони генерал Пауэр ва сенатор Барри Голдуотер ҳам бор. Буларнинг иккови Америка жамиятида катта мавқени эгаллаб турган кишилардир. Лекин биз улар Америка халқи кўпчилигининг фикрини ифодалаётганлигига ишонмаймиз.

Сўнгра баёнотда АҚШ ҳукумати ва айниқса вице-президент Никсоннинг ССРнинг осмон чегарасига қасддан бостириб кириш сиёсатини оқлаш мақсадида қилаётган ёлғон даъволари фош қилинади.

Мартин ва Митчелл баёнотида айтилишича, АҚШнинг коммунизмга душманлиги коммунистларнинг фан, маданият ва саноат соҳасидаги муваффақиятларини кўриб безовта бўлаётганликларидан келиб чиқаётган душманликдир. Модомики, шундай экан, дейилади баёнотда, бундай безовталик ҳислари бутун дунёда тинчликни хавф остида қолдиришни оқлайдиган ёмон баҳонадир.

Мартин ва Митчелл баёнотининг анчагина қисми АҚШ ҳукумати ўтказаётган осмон разведкаси сиёсатига бағишланади. Баёнотда айтиладики, Америка самолётлари Совет Иттифоқи территорияси устидан айланиб учиб ўтишни мунтазам давом эттирмоқда ва бундай учишларнинг миқдори Америка халқи қилаётган ҳамма тахминлардан ҳам ортиқроқдир. Баёнотда батафсил келтирилган фактлар Америка самолётларининг ўзга мамлакатлар территорияси тепасида учиб юриши АҚШ ҳукуматининг расмий сиёсати бўлиб қолганлигини кўрсатади.

Сўнгра баёнотда бундай дейилади: Совет ҳукумати бу учишларга нисбатан жуда кўп сабр қилиб келди ва АҚШ ҳукуматидан бундай учишларни тўхтатишни неча марталаб илтимос қилди.

Мартин ва Митчелл ўзларига аниқ маълум бўлган фактларни келтириб, АҚШдаги энг катта разведка муассасаларидан бириданги ишларнинг ҳақиқий манзарасини кўрсатиб бердилар. Шу муассасада авиация генерал-лейтенанти Жон А. Сэмфорт раҳбарлигида тахминан 10 минг ходим ишламоқда. Миллий хавфсизлик агентлигининг радио орқали берган хабарларни ушлаб оладиган станциялари ер юзининг ҳамма жойида бор. Радио орқали берилган хабарларни ушлаб оладиган жуда кўп постлар маълум. Мана шуларнинг ҳаммаси йилига тахминан 380 миллион долларга тушмоқда.

Сўнгра баёнотда миллий хавфсизлик агентлиги тавсифланиб бундай дейилади: Бу ташкилот Совет Иттифоқидан тортиб то АҚШ нинг ўз иттифоқчиларигача бўлган кўп давлатларнинг шифрларини ва кодларини ўрганиш соҳасида кенг миқёсда иш олиб бормоқда. Миллий хавфсизлик агентлиги ўз ишларини Англия ва Канаданинг тегишли разведка органлари билан чамбарчас боғланган ҳолда олиб бормоқда. Миллий хавфсизлик агентлигида ишлаб орттирган тажрибамиздан бизга шу нарса маълумки, дейилади баёнотда, Қўшма Штатлар 40 дан ортиқ мамлакатнинг, шу жумладан ўз иттифоқчиларининг махфий ёзишмаларини муваффақиятли равишда ўқиб билмоқда.

Мартин ва Митчеллнинг айтишларига қараганда, уларнинг АҚШдан чиқиб кетиш тўғрисида қарор қабул қилишларига бошқа баъзи факторлар ҳам, жумладан Америка ҳукумати ахборот эркинлигини, сўз эркинлигини ва сиёсий фаолият эркинлигини тобистираётганлиги, АҚШда атеистлар таъқиб қилинаётганлиги ҳам таъсир қилган. Баёнотда айтиладики, бундай тартиблар АҚШнинг расмий шахслари Қўшма Штатларда «эркин ва очиқ» жамият мавжуд деб кўпинча айтаётган гапларга сира тўғри келмайди.

Мартин ва Митчелл ўз баёнотининг охирги қисмида ўз планларини, ўзларининг қозирги ҳаракатларини айтиб бердилар. Биз, дейилади баёнотда, Америка граждани бўлишдан воз кечдик ва Совет ҳукуматидан бизни совет гражданлигига қабул қилишни ва рус тилини ўрганишда бизга ёрдам беришни илтимос этдик, албатта. Бизнинг ҳар иккала илтимосимиз қаноатлантирилди. Совет ҳукумати бизга ўзимизга яшайдиган жойни ўзимиз танлаб олинг деб, таклиф қилди. Ўқишимизни давом эттиришга имконият берди ва математика соҳасида ўз ихтисосимизга яраша иш топиб олишимизга ёрдам берди.

* * *

Вильям Мартин ва Бернон Митчелл совет ва чет эл мухбирлари учун ўзлари ёзган баёнотни ўқиб берганларидан кейин жуда кўп саволларга жавоб бердилар. Улар ўзларининг таржимаи ҳолларини айтиб бердилар, келажак учун чизган ўзларининг режалари ва планларини гапириб ўтдилар. АҚШда қайси мамлакатларнинг шифрлари ўрганилиб, шу шифрлар орқали ёзилган хатлар ўқилмоқда деган саволга жавоб бган улар Туркия, Италия, Франция, Индонезия, Югославия, Уругвай, Бирлашган Араб Республикаси мамлакатларининг номини бошқа мамлакатлар қаторида кўрсатиб ўтдилар.

Митчелл ва Мартин Мэриленд штатидаги Лорел шаҳрида «Стейт—Бэнк оф Лорел»да қолдирилган баёнотнинг фотокопияси, шунингдек матбуот конференциясида ўқиб эшиттирилган баёнотнинг тексти матбуот конференцияси қатнашчиларига берилди.

(ТАСС).

ПАХТА ҲОСИЛИ ВА ЧОРВА МАҲСУЛОТЛАРИ МЎЛ, ТАННАРХИ АРЗОН БЎЛСИН

(ПАХТАКОР СОВХОЗЛАРНИНГ ОБЛАСТЬ КЕНГАШИДАН)

<>

«Оққўрғон» совхозида область совхозлари пахтакорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Руцкий доклад қилди.

Областнинг кўп совхозлари ўтган йили социалистик мажбуриятларини бажариш соҳасида яхши кўрсаткичларга эришдилар. 1-«Боёвут», «Оққўрғон» ва бошқа бир қатор совхозларда гўзани кетмонсиз парвариш қилиш тўла жорий этилди. Юқори ҳосилли трактор-далачилик бригадаларининг сони бирмунча кўпайди. 1-«Боёвут» совхозидан Шарофат Бозорова, «Оққўрғон» совхозидан Тошмамат Алижонов, 2-«Боёвут» совхозидан Насиб Бекиров сингари бригада бошлиқларининг номи эндиликда областимиз доирасидан ташқарида ҳам ҳурмат билан тилга олинмоқда. Бу бригадаларда етиштирилган бир центнер пахтанинг таннархи 60—102 сўмни ташкил этди.

Бироқ докладчи ва музокарада сўзга чиққанлар қайд қилганидек, ҳали совхозлар ишида муҳим камчиликларга йўл қўйилаётир. Айниқса пахта йиғим-теримига тайёргарлик ёмон бормоқда. Ҳалигача пахта териш машиналарини ремонт қилиш тугалланмаган. Мавжуд 907 пахта териш машинасидан кўпи билан 600 таси тайёр. «Мирзачўл» совхозида ҳам техника ремонти қониқарли эмас. Бу ерда эндигина 35 процент машина тайёр қолга келтирилди. Шунингдек «Пискент» совхозида ҳам 47 процент техника ремонтдан чиқарилди.

Далаларни машина теримига тайёрлашга ҳали кўп ерда киришилгани йўқ. Машина терими учун ажратилган далаларда ўт ўсиб кетган. Агрегат қайриладиган ерлар ҳамда пахта тўкиладиган майдонлар текисланмаган. Бундай камчиликларга айниқса Киров номли, «ЎзССР беш йиллиги», «Бўка» совхозларида йўл қўйилмоқда.

Трактор-далачилик бригадаларининг бошлиқлари 1-«Боёвут» совхозидан Шарофат Бозорова, 2-«Боёвут» совхозидан Насиб Бекиров, «Оққўрғон» совхозидан Тошмамат Алижонов ўртоқлар сўзга чиқиб, ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Кенгашда чорвачилик масаласи ҳам кескин муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар область совхозларида чорвачиликка ёмон муносабатда бўлиш ҳолларига йўл қўйилаётир, деб айтишди. Ўтган йилнинг ўзида совхозларда 659 бош йирик шохли қорамол, 1534 бош чўчқа камайиб кетди. Масалан, «Пискент» совхозида 44 бош, «Бўка» совхозида 40 бош йирик шохли қорамоллар камайиб кетди. Шунингдек, «Ховос», «Мирзачўл», 2-«Боёвут» совхозларида ҳам бундай камчиликларга йўл қўйилди.

Ем-хашак тайёрлаш ва чорва қишлови учун бинолар ҳозирлаш ҳам ёмон бормоқда. Айниқса ширали ем-хашак тайёрлаш плани барбод бўлмоқда. Область совхозлари маккажўхоридан эндигина 40 процент силос бостирдилар. «Мирзачўл», «Назарбек», «Бўзсув» совхозларида силос бостириш айниқса қониқарсиз бормоқда.

Музокарада сўзга чиққанлар совхозларда маблағни иқтисод қилиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини камайтириш масалаларига катта эътибор бердилар. Пахтанинг таннархи ҳали ҳам қиммат бўлмоқда. Ўтган йили область совхозларида бир центнер пахтанинг таннархи 202 сўмга тушди. Баъзибир хўжаликларда бундан ҳам қиммат бўлди.

Чорвачилик маҳсулотларининг таннархи ҳам қимматга тушмоқда. Масалан, 2-«Оҳангарон» совхозида бир литр сут 3.56 сўм, «Назарбек» совхозида 3,20 сўмга тўғри келди, «Дружба» совхозида бир килограмм гўшт 72 сўм, «Назарбек» совхозида эса 59 сўмданга айланди. 1-«Далварзин», 2-«Далварзин», Тошкент наслчилик совхози, 1-«Боёвут» совхозлари чорвачиликдан жуда катта зарар кўрдилар.

Кенгаш қатнашчилари шу камчиликларни бартараф қилиш тадбирларини белгиладилар.

Кенгашда Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри Ж. Хоназаров, область ижроия комитетининг раиси Жалилов, Тошкент область партия комитетининг секретари Веселов ўртоқлар нутқ сўзладилар.

Африка мустақиллик учун курашда

Африканинг бепоён территорияларида миллий-озодлик революциясининг байроғи ҳилпирамоқда. Бу қитъанинг кўп миллионли аҳолиси озодлик учун, инсон ҳаётининг қадр-қиммати учун курашга отланди. Африка халқларининг озодлик кураши жиддий тус олган сайин, империалистларнинг қарама-қаршилиги ҳам шунчалик кучаймоқда. Чунки империалистлар Африка халқларини аввалгидек эзмоқчи ва таламоқчилар. «Қора қитъа»нинг империалистик давлатлар учун аҳамиятини баҳолаш жуда ҳам қийин. Капитализм дунёсида етиштирилаётган олмоснинг 99 процентги, кобальтнинг 81 процентги, олтининг 59 процентги, хромнинг 40 процентги, марганецнинг 36 процентги, мисснинг 27 процентги Африка зиммасига тўғри келмоқда. Кейинги вақтларда Африкадан бир қанча нефть запаслари ҳам топилди. Чет эл матбуотининг таъкидлашига кўра, Ливан ва Сахара яқин вақтлар ичида нефть ҳазиб чиқариш жиҳатидан Яқин Шарқ мамлакатларидан ўтиб кетиши мумкин.

Африка уран қазилмаларига бой қитъадир. Америкада ишланган биринчи атом бомбаси Конгодан қазиб чиқарилган уран рудасидан тайёрланган эди. Шунингдек Африка ғарб мамлакатлари учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам етказиб беради.

Ғарб давлатларининг ҳарбий-стратегик планларида Африка муҳим роль ўйнайди. Империалистлар Африкани стратегик хомашёлар етказиб берувчи мамлакатга айлантириш билан бирга, унинг территориясини ҳарбий-ҳаво базалари ҳамда қитъалараро ракеталарининг майдонига айлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Ягона Германия комитети томонидан нашр қилинган «Бонн — Осиё ва Африка халқларининг душмани» деган брошюрада Африка қитъасида НАТОнинг 30 га яқин ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз базалари бор эканлиги таъкидланади.

Мустамлакачиларнинг узоқ вақт ҳукмронлик қилиши Африка мамлакатлари ва уларнинг халқларининг ривожланишига жуда катта зарар етказди. Тинчлик учун ва Африка халқларининг озодлиги учун атоқли курашчи доктор У. Дюбуаннинг айтишига кўра, мустамлакачи-қулдорларнинг, сўнгра капиталистик-монополистларнинг ҳукмронлик қилиши Африка аҳолисини юз миллиондан кўпроқ кишига камайтириб юборди. Қашшоқлик, саводсизлик, турли хил касалларга гирифтор бўлиш, иқтисодий қолоқлик аввалгидек Африка халқларининг йўлдоши бўлиб қолмоқда. Беш ярим миллионлик европали мустамлакачилар ҳозирги замон цивилизациясининг барча имтиёзларидан кенг фойдаланаётган бир пайтда, 230 миллион Африка халқи жуда ачинарли, оғир ҳаёт кечирмоқда. Францияда чиқадиган баъзибир матбуотларнинг хабарига кўра, Африка халқларининг бир йиллик реал даромади қатто 1900 йилги реал даромадларидан ҳам камайиб кетган.

Асрлар бўйи Африка халқларини, уларнинг бойликларини талаб келган империалистлар халқларнинг турмуш даражасини яхшилаш учун ҳеч нарса қилмади. Буни биз шундан ҳам кўришимиз мумкинки, Бельгия Конгоси мустақиллик олиш олдидан унинг 13 миллионли африкалик аҳолисидан фақат 16 кишигина олий маълумотга эга бўлган. 6 миллионли аҳолига эга бўлган Португалиянинг мустамлакаси Мозамбикда университети тамомлаган биттагина киши бор, холос. Англиянинг мустамлакаси бўлган Родезияда африкалик ўқувчига оқларга қараганда 40 марта кам маблағ сарфланмоқда. Африка ишчиларининг иш ҳақи эса европаликларникидан 30—35 марта камдир.

Мана шундай бир шароитда африка халқлари ўз елкаларидан мустамлакачилик занжирларини фақатгина мустамлакачилик системасини тугатиш ва мустақилликка эришиш йўли билангина амалга ошириш мумкин эканлигига тушуниб етмоқдалар. Ўрушдан кейинги йилларда миллий озодлик ҳаракатининг авж олиши натижасида Африка қитъасининг бир қанча мамлакатлари, шу жумладан Марокаш, Тунис, Ливан, Гана, Гвинея, Того, Камерун мустақилликка эришдилар. Шу йилнинг охирига бориб мустақил давлатлар сони 25 га етиши керак. Натижада мустамлакачилик системасининг емирилиши ой сайин чуқурлашиб бормоқда. Фақат августгина 8 та Африка мамлакатининг мустақилликка эришганлиги бунинг ёрқин далилидир. 1 августда Дагомея, 3 августда Нигер, 4 августда Юқори Вольт, 7 августда Фил суяги қирғоқлари, 11 августда Чад, 13 августда Марказий Африка республикаси, 15 августда Конго республикаси, 17 августда Габона мустақилликка эришдилар. Мустақилликка эришган бу мамлакатлар иқтисодий ва тарихий ривожланиш соҳасида бир-бирларига ўхшашдирлар.

Дагомея, Нигер, Юқори вольт, Фил суяги қирғоқлари Маслаҳат Кенгаши ташкил этиб, ўзаро ҳамкорлик ўрнатганлар. Бу кенгашга кирган 4 та мамлакатнинг территориялари 2 миллион квадрат километрдан кўпроқ майдонни ташкил этади. Бу мамлакатларда эса 10 миллиондан кўпроқ киши яшайди. Узоқ вақт мустамлакачилик занжири тагида қолиб келган бу мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан қолоқ, қишлоқ хўжалиги мамлакатларидир.

Чад, Убанги-Шари ва Франция Конгоси 1960 йилнинг бошларида Марказий Африка республикалари Союзи-Федерациясини ташкил этдилар. Бу уч республика ва Габон 2,5 миллион квадрат километр майдонга эга. Бу мамлакатларда 5—6 миллион халқ яшайди.

1 октябрда юз йилга яқин Англиянинг мустамлакачилик режими остида қолиб келган Нигерия мустақилликка эришиши керак. Нигерия 900 минг квадрат километр майдонга эга. Аҳолиси 35 миллион кишини ташкил этади. Нигерия Африка қитъасида аҳолисининг кўплиги жиҳатидан биринчи ўринда.

Шундай қилиб, 1960 йили Африка қитъасида 15 та мустақил давлат пайдо бўлиши керак. Натижада мустамлакачилик системасининг емирилиши ой сайин чуқурлашиб бормоқда. Фақат августгина 2,5 миллион квадрат километр майдонга ортади. 1961 йили Англия мустамлакаси Сьерр-Леон, Бельгия мустамлакаси Руанд-Урунд ва бошқа мамлакатлар мустақилликка эришиши керак.

Англия мустамлакалари бўлган Кения, Танганьика, Родезия, Ньясаленд. Занзибар халқлари ҳам мустақилликка эришиш учун жиддий кураш олиб бормоқдалар.

Миллий озодлик ҳаракатининг тобора ривожланиб бориши натижасида империалистик давлатлар шармандали мустамлакачилик системасидан воз кечишга мажбур бўлмоқдалар ва шунинг билан бирга улар бу мамлакатларда ўз ҳукмронликларини сақлаб қолиш учун турли хил ҳийла-найранглар ишлатмоқдалар. Эндиликда империалистлар «Сиз, африкаликларга сиёсий озодлик, биз, оқларга — иқтисодий» деган шиорга суяниб иш кўрмоқдалар. Империалистлар Африка халқларига маъмурий идора қилиш ҳуқуқини бериш билан бирга, ўзларининг аввалги иқтисодий устунликлари ва раҳбарлик позицияларини сақлаб қолишга уринмоқдалар.

Бельгия ва бошқа империалистик давлатлар ҳукмрон доираларининг Конго республикасининг мустақиллигини йўққа чиқаришга қаратилган агрессив ҳаракатлари бунинг ёрқин мисолидир. Бельгия мустамлакачилари 75 йил ҳукмронлик қилган йилларида Конго халқини ўз мамлакатини идора қилиш, маъмурий кадрлар, мутахассислар тайёрлаш халқ турмушини яхшилаш соҳасида ҳеч қандай иш қилмади. Балки мустамлакачилар бор кучлари билан Конго халқининг тараққиёт ва озодлик йўлидаги курашига тўсқинлик қилиб келдилар.

Империалистлар мустақил Конго республикаси халқининг қаддини бука олмаганларидан кейин, қандай қилиб бўлса ҳам Конгонинг уран қазилмаларига бой бўлган райони Катангани Конгодан ажратиб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар ўзларининг бу қора ниятларини амалга ошириш йўлида ҳоин Чомбега умид боғламоқдалар. Катангининг қўғирчоқ ҳукумати бошлиғи Чомбе Бельгия монополияси, биринчи навбатда, Америка империалистлари манфаатдор бўлган «Юнион миньер», «Сосьете женераль де Бельжик» ва бошқа чет эл компаниялари жойлашган Катанга районида мустақил «давлат» тузиш учун ҳаракат қилмоқда. Шу билан империалистлар Конго Республикасини парчалаб юбормоқчилар.

Совет Иттифоқи ва барча социалистик лагерь мамлакатлари ҳамда прогрессив жамоатчилик империалистларнинг бундай ўтакетган шармандали ҳаракатларини жиддий қораламоқда ва Конго халқининг ўз мустақиллиги йўлида олиб бораётган курашини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

Эндиликда империалистик мустамлакачиларга қарши Африка халқларининг бирдамлик ҳаракати тобора ривожланиб бормоқда. Африка халқларининг бирдамлиги — уларнинг мустақил ривожланишининг гаровидир. Барча халқлар томонидан қўллаб-қувватланаётган Конго Республикаси ўз мустақиллигини сақлаб қолади.

Африка озод бўлади деган шиор эндиликда Африка халқларининг асосий шиори бўлиб қолди.

А. СТУПАК.

Мўғулистон Халқ Республикасида Тамарахоним гастроллари

УЛАНБАТОР, 7 сентябрь. (ТАСС). Монцамэ агентлиги хабар беради: Мўғулистон Халқ Республикасида СССР халқ артисти Тамарахонимнинг гастроллари доим муваффақиятли ўтмоқда. Бугунги концертда Мўғулистон Халқ революцион партияси ва Мўғулистон Халқ Республикасининг раҳбарлари Д. Балжинням, Ц. Дугэрсурэн, Ж. Самбу, Л. Цэнд, Н. Лувсонравдан, Д. Майдар, давлат муассасаларининг масъул ходимлари, жамоатчилик вакиллари, дипломатия корпусининг аъзолари ҳозир бўлдилар. Концерт гоят муваффақиятли ўтди.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
3-БЕТ, 9 СЕНТЯБРЬ, 1960 ЙИЛ.

ЖУРНАЛИСТ БЛОКНОТИДАН

СЕРҚУЁШ БОЛГАРИЯДА

«ОЛТИН ҚУМЛАР»

Жанубий-Шарқий Европага қамар бўлган Дунай дарёси румин ва болгар ерларини бир-биридан ажратиб туради. Жанубга, Болгарияга қараб бораётган поезд бизни Дунай устидан олиб ўтди. Дарё устига қурилган катта кўприк орқали икки дўст халқ қўлни-қўлга берган, йўлни-йўл билан туташтирган. Шунинг учун ҳам у «Дўстлик кўприги» деб аталади. Европадаги энг катта ҳисобланган бу иншоотни қуришда румин ва болгар ишчиларидан ташқари Совет Иттифоқи, Чехословакия, Польша, Венгрия ва бошқа социалистик мамлакатлардан келган мутахассислар ҳам қатнашган. Ана шу дўстона ҳамкорлик натижасида кўприк жуда тез суръатлар билан қурилди ва муддатидан бир йил илгари фойдаланишга топширилди.

Дўстлик ҳақидаги ширин хаёлларга берилиб кетибмиз... Кўприк ҳам, мовий Дунай ҳам, серҳосил румин боғлари ҳам ортда қолиб кетиб, қўшни Болгария ерлари бошланибди. Ҳа, Болгария бизни қуёш билан кутиб олди. Шундай иссиқки, июль саратонида Ўзбекистон боғларида юргандекмиз. Қуёш ҳароратининг кучи олдўрмоқ. Шафтоли, олмаларнинг ғарқ пишганида ҳам, кишиларнинг шу дарахтлар салқинига яширинишида ҳам, мудек сувларга лабларини ҳўллашида ҳам кўриниб турибди.

Шуни айтиш керакки, мевали дарахтлар, токлар ва улар билан қопланган томорқалар бутун Болгария пейзажининг гўзал қисмидир. Юзлаб километрга чўзилган йўлнинг икки чеккаси шириншарбат мевали дарахтлар билан банд. Автобусда кетаётиб, улкан боғ ичида айланаётгандек бўламиз.


Манзилга — Варна шаҳрига кечқурун етиб келдик. Варна Қора денгизидаги энг катта порт ҳисобланади. Унга ҳар куни неча эллардан юк ортган пароходлар, кемалар келиб кетади. Болгария жуда кўп мамлакатлар билан шу шаҳар орқали алоқа қилади. Варна йирик саноат ва маданият маркази ҳамдир. Бу ерда Георгий Димитров номидаги кемасозлик заводи, Карл Маркс номидаги сода заводи каби гигант корхоналар ишлаб турибди.

Шаҳардан «Олтин қумлар»га йўл оламиз. Болгариянинг энг серфайз, шифобахш курортлари шу «Олтин қумлар»га жойлашган экан. Бу жой денгиз соҳилининг майда олтинсимон қум билан қоплангани учун шундай аталади.

— «Олтин қумлар» янги курорт ери, — тушунтиради таржимон. Бундан 3—4 йил илгари ёввойи дарахтлар, чангалзорлар билан қопланган бу жой илонлар макони бўлган, инсон қадам босиши мумкин бўлмаган.

Мана энди «Олтин қумлар» қишин-ёзин минг-минглаб дам олувчилар билан гавжум. Ўнлаб санаторий ва дам олиш уйлари бор. Халқаро журналистлар уйи ҳам шу ерга жойлашган. Варна шаҳрини Болгария Сочиси деса бўлади. Жаҳоннинг ҳамма мамлакатларидан келган дам олувчилар билан оромгоҳ парклар ҳам, денгиз ёқасига қурилган меҳмонхоналар ҳам, катта пляжлар ҳам тўлиб кетган.

Болгария жаҳоннинг энг сўлим бурчакларидан бири «Олтин қумлар»и билан ҳар қанча фахрланса, мағрурланса арзийди.



Суратда: Софиядаги «Марица-Восток» теплоэлектроцентрали. Бу станция яқин кунларда ишга тушади. Унинг қуввати 600 минг киловаттга етади.

СОФИЯ ГУЛЛАБ-ЯШНАМОҚДА

Сафаримиз Варнадан ғарбга, Болгария пойтахтига қараб давом этади. Йўлда неча-неча шаҳарларни, води ва пастекисликларни босиб ўтдик. Қандай серунум, бўлиқ ерлари, нақадар гўзал қишлоқлари бор Болгариянинг! Ўтмишда қолоқ, аграр ҳисобланган бу мамлакат саноати ривожланган, қишлоқ хўжалиги йирик кооперативлашган, механизациялашган давлатга айланиб қолди. Йўлимизда Болгария учун тамомила янги ҳисобланган қора ва рангли металлургия, машинасозлик, кимё саноатининг ўнлаб янги гигант заводларини учратамиз. Бу корхоналарда қувнаб-қувнаб ишлаётган, далада завқли меҳнат қилаётган, ўз қўл кучи билан келажак бахтини яратаётган оддий болгар кишилари бугунги кунидан бениҳоя мамнун. Мана шу эркин ва лаззатли ҳаёт кечираётган халқ, ўтмишда қандай қора кунларни бошидан кечирмади!

Турк босқинчилари бутун Болгарияни мисли кўрилмаган даражада таладилар, вайрон қилдилар. Юзлаб шаҳарларни, қишлоқларни ёндирдилар, ўн минглаб болгарларни ўлдирдилар ёки қул қилиб сотдилар.

Уларни даҳшатли турк зулмидан озод қилишда рус жангчиларининг кўрсатган жасоратлари шонли тарих саҳифасида абадий қолади.

Болгар халқининг аввало турклар чангалидан, сўнгра фашистлар зулмидан қутқарилиши уларнинг рус халқига бўлган муҳаббат ва миннатдорчилик туйғуларини абадийлаштирди. Болгариянинг ҳамма жойида рус қаҳрамон жангчиларига ҳайкаллар ўрнатилган. Мамлакатда бундай ҳайкалларнинг сони 500 тадан ортади.

Қанчадан-қанча қишлоқлар, шаҳарлар, майдонлар, кўчалар, бульварлар, тоғ чўққилари ҳурмат билан рус қўмондонлари, ёзувчилари, жамоат арбобларининг номига қўйилган.

Плевендаги рус солдатлари саркофаги қўйилган мавзолей, Орловск ва Брянск полклари жангчиларининг суякларига сақланаётган ўнлаб ўртоқлар мозори, Софиядаги халқ маблағи билан қурилган Александр Невскийга ўрнатилган улкан ёдгорлик — буларнинг ҳаммаси болгар халқи учун рус жангчилари хотирасига қанчалар қимматли ва азиз эканлигини кўрсатиб туради.

Мана, озодлик келтирувчи Совет Армиясига атаб Софияда қурилган монумент. 42 метр баландликка эга бўлган бу ёдгорлик Болгария озодлигининг 10 йиллиги муносабати билан 1954 йилда ўрнатилган. Болгар халқининг қалос кор рус солдатларини қувонч билан кутиб олиши, Совет Армиясининг монолит бирлиги ва қудрати монументда ёрқин тасвирланган.

Софиянинг кўплаб меҳнаткашлари бу ерга доим келиб туришади. Монумент атрофида ҳар вақт гулдасталар уюлиб ётади.

Софияни гуллар, боғлар шаҳри деб бежиз айтишмас экан. Қаёққа қараманг гул, гул, гул. Катта-кичик кўчаларда ҳам, ҳовлиларда ҳам, паркларда ҳам нафосат ва гўзаллигини кўз-кўз қилиб турибди улар.

Ишчи, хизматчилар яшайдиган кварталлар атрофи ҳам курортлардан қолишмайди. Шуниси характерлики, болгарлар яшайдиган деярлик ҳамма бинолар кўмкўк ёввойи ток дарахти билан қопланган. Жуда тез ўсувчи бегубор бу ўсимлик иссиқ ёз кунлари уй деворларига чирмовуқдек ёпишиб олади, хоналарга салқин ва соф ҳаво пуркайди.

Софиянинг кўркам боғлари, гўзал бинолари, озода майдон ва кўчалари кишини мафтун этади ўзига. Шаҳарда IV—VI асрларга оид қадимий тарихий ёдгорликлар, бинолар сақланмоқда. Ўнлаб олий ўқув юртлари, театрлар, кутубхоналарга эга бўлган София ҳозирги вақтда мамлакатнинг маданий ва иқтисодий марказига айланган. Шаҳар кейинги йилларда айниқса тез ўсмоқда. 2700 йилдирки, София ўсиб, кенгайиб, гўзаллашиб бормоқда. Унинг гербидаги қуйидаги сўзлар ҳам буни тасдиқлаб турибди: «Ўсади, лекин қаримайди».

София атрофидаги қишлоқ хўжалик кооперативларига бордик.

Кооперативларда бизни катта шодиёналик билан кутиб олишди. Костинброт қишлоғидаги кооператив Улуғ Ватан урушида қаҳрамонона ҳалок бўлган болгар партизани Асен Итов номига қўйилган бўлиб, бундан икки йил олдин етти кичик кооперативнинг бирлашишидан ташкил топган. Раис ўртоқ Никифор Тодоров раҳбарлик қилаётган бу катта хўжалик билан танишдик.

Кооперативда сабзавотчилик, мевачилик ва чорвачиликнинг жуда кўп тармоқлари ривожлантирилаётир. Айниқса сигирлар кооперативга катта даромад келтирмоқда. 500 бош қорамолнинг ҳар биридан 3300—4000 литргача сут соғиб олинмоқда. Сигирларнинг озуқаси — жўхори силоси мўлкўл.

Қишлоқ хўжалигида машинага, техникага зўр берилмоқда. Натижада буғдой, жўхори, помидор, картошка ва нўхотдан юқори ҳосил етиштирилаётир. Кооператив аъзолари тўқ ва бадавлат яшамоқдалар. Деҳқон оиласи йилига кооперативдан 10 — 12 минг левдан ортиқ даромад олмоқда.

Кооперативнинг маданий қиёфаси, аъзоларининг маиший гурмуши тинмай яхшиланмоқда. Қишлоқ аҳолисининг ҳаммаси сўнгги 5—6 йил ичида янги уй-жой биноларини қуриб олди. Кооператорларнинг уйларида чиройли, шинам мебеллар, гилам, радиоприёмник, лар...

Асен Итовдагина эмас, балки бутун Болгарияда ҳам деҳқонлар ана шундай яшайди ва меҳнат қилади.

Кооперативларда 40 минг трактор, 7 мингдан ортиқ комбайн ва бошқа минглаб қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб турибди. Болгар деҳқонлари ҳозирги вақтда урушгача бўлган даврдагига нисбатан 100 марта кўп минерал ўғитлар олмоқдалар. Бундан 16 йил илгари Болгарияда сугорилиган майдонлар 360 минг декарни ташкил этган бўлса, ҳозирги вақтда 8 миллион декарга етди.

Озод ва фаровон ҳаёт учун болгар ишчиси ва деҳқони ҳалоскори ва қардоши улуғ совет халқидан, унинг қаҳрамон армиясидан бениҳоя миннатдор. Болгариянинг қайси бурчагида, қайси шаҳрида бўлмайлик, ким билан суҳбатлашмайлик, ёшу-қари, барчада ана шу туйғуни ҳис қилдик.

С. МУСАЕВ.

*

ИШЧИЛАР ДИПЛОМ ОЛДИ

Яқинда Тошкентдаги 1-босмахона биносида Москва полиграфия техникумининг сиртқи бўлимини тугатган ишчиларга диплом топшириш маросими бўлди. Босмахона директори ўртоқ Исҳоқ Тожиев ишдан ажралмаган ҳолда ўз билимини оширишга ҳаракат қилган, гайратли ёшларни катта муваффақият билан табрикладн.

Сўнгра Москва полиграфия техникумининг Тошкентдаги сиртқи бўлимини тамомлаб чиққан нашриёт ходимларидан 69 кишига дипломлар топширилди.

Полиграфия дипломини қўлга олган ёшлар орасида босмахонанинг илғор ишчиларидан Неъмат Пўлатов, Абдусаттор Мажидов, Абдураҳмон Саидов ва бошқалар бор.

О. МУҲАММАДЖОНОВ.

Оҳангаронда тарих музейи

Оҳангарондаги «Горняк» клубида шаҳарда биринчи марта тарих музейи очилди. Шаҳар пенсионерлари Советининг ташаббуси билан вужудга келтирилган бу музейга қисқа вақт ичида 200 дан ортиқ ҳар хил ёдгорликлар йиғиб топширилди.

Улар орасида қадимги икки тийин ва ярим тийинлик рус тангалари, румин пули ва 60 дан ортиқ ҳар хил тошлар киши эътиборини ўзига тортади. Бу қимматли экспонатларни кекса пенсионерлардан Ковмаз, Загуменова, Арапова ва бошқа ўртоқлар йиғиб келишган.

Ҳозирги вақтда музейга Тешиктош посёлкасидан топилаётган хилма-хил ёдгорликлар ҳам қўйилмоқда.

А. КУКИЕВ.

Журналистларнинг халқаро бирдамлиги куни шарафига

8 сентябрда Тошкентда журналистларнинг шаҳар йиғилиши бўлди.

Йиғилишда Ўзбекистон журналистлар союзи правлениесининг раъзоси Т. Соатов журналистларнинг халқаро бирдамлиги куни тўғрисида доклад қилди. (ЎзТАГ).

ҲОДИСА

ТЕКИНХЎРЛАР

Турғун Қозоқбоев, Виктор Олейниковлар кўринишдан жуда ювош, қўй оғзидан чўп олмагандек кўринсалар ҳам, аслида бел оғритмасдан нон ейдиган текинхўрлардан ҳисобланади. Нега дейсизми? Ахир уларни қачон қарасангиз, қовун-тарвуз бозоридан топасиз. Ёз бўйи тер тўкиб етиштирган ҳосилини бозорга олиб келган деҳқон уларнинг дастидан ўз ҳолича сота олмайди. Турғун ва Виктор деҳқонларни ҳоли-жонига қўймай, улар келтирган қовун-тарвузларини арзон-гаровга сотиб олишади. Сўнгра оғизларига сиққан нархни айтиб, пуллашга киришадилар.

Бу текинхўрлар тунов куни Туркман бозорида навбатдаги найрангини амалга ошираётганларида қўлга тушиб, фош бўлди. Ҳеч қаерда ишламасдан пул топишнинг осон йўлини топиб олган бу икки чайқовчи жиноий жавобгарликка тортилди.

М. ЗАРИПОВ.

Халқаро аҳвол

Франция Компартияси Марказий Комитетининг пленуми

ПАРИЖ, 7 сентябрь. (ТАСС). Кеча кечқурун Париж ёнидаги Сен—Дени шаҳарчасида Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади. Франция Компартияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси Леон Мовэ раисligида ўтган эрталабки мажлиснинг бошида пленум қатнашчилари Франция ишчилар ҳаракатининг яқинда вафот этган энг кекса арбобларидан бири Гастон Монмуссо хотирасини бир минут жим туриш билан эсга олдилар.

Сўнгра Франция Компартияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси ва «Юманите» газетасининг директори Этьен Фажон «Юманите» газетасининг фаолияти ва уни тарқатишни кенгайтириш соҳасида коммунистларнинг вазифалари ҳақида доклад қилди.

Кундузги мажлисда Этьен Фажон доклади юзасидан мунозара давом этди. Мунозара тамом бўлгач пленум якдиллик билан тегишли қарор қабул қилди.

Пленум шунингдек кеча де Голль ўтказган матбуот конференцияси муносабати билан унинг сиёсати ҳақидаги баёнотни ҳам якдиллик билан маъқуллади.

Франция Компартияси Марказий Комитетининг пленуми генерал де Голль матбуот конференцияси «у ўтказаётган сиёсатнинг реакцион характерини тасдиқлайди» ва «бутун мамлакатда ҳафсалани пир қилди ва ташвиш туғдирди» деб қайд қилди.

«Де Голль Бирлашган Миллатлар Ташкилотини обрўсизлантиришга уринмоқда, — дейилади баёнотда. — У бу ташкилотнинг Жазоир проблемаси бўйича қабул қилиши мумкин бўлган ҳар қандай қарорни олдиндан рад этмоқда... Бирлашган Миллатлар Ташкилотига нисбатан бу позиция Бельгия мустамлакачиларини Конгода қўллаб-қувватлаш билан боғланмоқда...»

Франция Компартияси Марказий Комитетининг пленуми де Голль ташқи сиёсати ҳақида шу нарсани таъкидлайдики, у «Атлантик иттифоққа ўзининг содиқлигини, қуролсизланишга қарши экани лигини тасдиқлади».

Пленум шунингдек кеча де Голль ўтказган матбуот конференцияси муносабати билан унинг ғарбий Германия реваншчиларининг яқинда илгари сурган территориал даъволари ва атом бомбаси билан қуролланиш ҳақидаги талаблари сабабли дунёдаги халқлар ва айниқса Европа халқлари ташвишга тушган бир пайтда, дейилади Франция Компартияси Марказий Комитетининг баёнотида, де Голль бу жиддий проблема ҳақида ломмим демади, у шунингдек Одер — Нейссе бўйлаб чегара ҳақидаги биринчи даражали масала ҳақида ҳам индамади, лекин советларга қарши янги хуружлар қилди.

Франциянинг қуролсизланиш масаласидаги позициясини, шунингдек ўз «атом зарбаси берувчи қуролларини» ташкил этиш сиёсатини танқид қилиб, Франция Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қайд қиладики, Франция давлатининг бошлиғи ўзининг матбуот конференцияси вақтида иқтисодий аҳвол ҳақида, турмушнинг қимматлиги ҳақида, солиқлар тўғрисида ва меҳнаткашлар ҳарид қилиш қобилиятининг пасайганлиги ҳақида ҳеч нарса демади.

Баёнотнинг охирида таъкидланадики, халқ оммасининг қурашигина ҳамма соҳаларда омма истаган ўзгартиришларга олиб кела олади.

«Юманите» газетаси ҳақидаги масала юзасидан резолюцияда газетани тарқатиш ва партиянинг оммага реал таъсири ўртасида узилиш борлигига эътибор жалб қилинади ҳамда «бу нормал бўлмаган аҳволга барҳам бериш» зарурлиги таъкидланади. Франция Компартияси Марказий Комитетининг пленуми газетани яхшилаш ва уни тарқатишни кенгайтиришга қаратилган бир қанча тадбирларни белгиляди.

XVII ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ



РИМ, 7 сентябрь. (ТАСС махсус мухбири). Кеча совет мерганлари ажойиб муваффақиятга эришдилар. Улар ўзлари танлаган намунадаги пистолетдан отиш бўйича олтин ва кумуш медални қўлга киритдилар 560 очко олган А. Гушчин биринчи ўринни, 552 очко олган М. Умаров иккинчи ўринни эгаллади.

Енгил атлетикачилар мусобақасида иккита жаҳон рекорди қўйилди. Спорт обзорчилари олдиндан айтганларидек, австралиялик Х. Эллиот 1500 метрга югуришда голиб чиқди. У ана шу масофани 3 минут 35,6 секундда босиб ўтиб, янги жаҳон рекордини қўйди. Маррага иккинчи бўлиб келган француз М. Жази тахминан 20 метр орқада қолди. У 3 минут 38,4 секунд вақт кўрсатди. 3 минут 39,2 секундда маррага келган венгер И. Рожавелди учинчи ўринни олди.

400 метрга финал югуришда америкалик О. Дэвис ва Германиянинг бирлашган командаси спортчиси К. Кауфман ўртасида биринчилик учун кескин кураш бўлди. Иккала рақиб маррага 44,9 секундда етиб келиб, жуда катта ғалабага эришдилар. Бу — янги жаҳон рекордидир. Фотопленка текшириб кўрилганида америкалик югурувчи голиб деб топилди, Кауфман эса кумуш медаль олди ва жаҳон рекордининг «иперияси» бўлди. Бу мусобақаларда совет енгил атлетикачилари финалда қатнашмадилар.

Уч хатлаб сакраш бўйича финал мусобақаларда жаҳон рекордчиси поляк Ю. Шмидт биринчи галдаёқ 16 метр 78 сантиметрга сакраб, олтин медаль олишга лойиқ эканлигини кўрсатди. Бу натижага бошқа рақиблар ета олмадилар. Навбатдаги сакрашларда Шмидт ўз натижасига яна уч сантиметр қўша олди. В. Горяев 16 метр 63 сантиметрга сакраб (бу мавсумда совет спортчилари учун энг яхши натижа), иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин ҳам совет сакровчиси В. Креерга тегди.

Кечқурун тамом бўлган ҳозирги замон ўнкураши бўйича мусобақада биринчи ўринни ва олтин медални Р. Жонсон (АҚШ) олди. У 8392 очко олиб, Олимпиаданинг янги рекордини қўйди. Совет спортчиси В. Кузнецов бронза медални билан мукофотланди.

Италиялик Д. Бельфино шпага билан қиличбозлик бўйича Олимпиада чемпиони бўлди. Инглиз А. Жей кумуш медаль ва Б. Хабаров (СССР) бронза медаль олдилар.

Хотин-қиз гимнастларнинг мажбурий программа бўйича мусобақаларда умуман 190, 693 балл натижа билан СССР командаси олдинда бормоқда. 186, 395 балл га эга бўлган Чехословакия командаси иккинчи ўринга чиқиб олди. Учинчи ўринда бораётган Япония хотин-қизлар командаси 185, 295 балл га эга.

Шахсий зачетда совет гимнастикачилари орасида гимнастика кўп курашининг тўрт туридан кейин, 38, 432 баллга эга бўлган Полина Астахова энг яхши натижага эришди. Мажбурий программа бўйича иккинчи ўринни Софья Муратова 38, 165 балл, учинчи ўринни Тамар Люхина 37, 931 балл эгаллаб турибди.

Бугун эркаклар ўзлари танлаган программа бўйича мусобақалашадилар.

Кеча эркин кураш бўйича финал учрашувлар бўлди. Спортнинг бу тури бўйича турк полвонлари энг яхши муваффақиятларга эришдилар. Улар тўрт олтин ва икки кумуш медаль олдилар.

Қўшма Штатларнинг полвонлари уч олтин медални қўлга киритдилар, Германиянинг Бирлашган командаси бир олтин медаль олди.

Бирорта ҳам олтин медаль олмаган совет полвонлари бу мусобақада унча муваффақият қозонмадилар. В. Синявский ва Г. Схирладзе кумуш медаль, В. Рубашвили, А. Албул ва С. Дзарасов бронза медаль олдилар.

Венгрия ва Дания командалари ўртасидаги футбол бўйича ярим финал учрашувнинг натижаси кутилмагандек бўлиб чиқди. Данияликлар бу учрашувни 2:0 ҳисоби билан ютдилар ва шу тарзда финалга чиқдилар. Улар финалда 10 сентябрда Югославия командаси билан учрашадилар.

Олимпиада ўйинлари бошланганидан 6 сентябргача ўтган давр ичида мусобақа қатнашчилари бўлган айрим мамлакатлар қуйидаги миқдорда медаль олдилар.

Совет Иттифоқи 22 олтин, 16 кумуш, 20 бронза медали; АҚШ — 26 олтин, 13 кумуш, 13 бронза медал олди. Совет Иттифоқи командаси 379 очко олиб, илгаригидек биринчи ўринда бормоқда; Қўшма Штатлар командаси 339½ очкога эга.

П. Лумумба баёноти

ПАРИЖ, 8 сентябрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Леопольдвилдан хабар беради: Конго бош министри Патрис Лумумба кеча депутатлар палатасида катта нутқ сўзлади. «Мен бошлиқ ҳукуматнинг ағдарилиши, — деди у, анархия ва гражданлар урушининг бошланишидан дарак берган бўлур эди. Империалистлар Конгода қолиш ниятида бу ўлкада фалокат юз беришини истайдилар».

Сўнгра Лумумба парламентнинг роли катта эканлигини қатъий таъкидлади ва барча конголиклар ўртасидаги қардошлик ҳақида гапирди. Лумумба «биргаликда бошдан кечирилган қулфатлар»ни эсга олиб, «Касавубу ҳозирги ҳукуматни четлатиб, буларнинг ҳаммасини писанд қилмай қўйди», деб таъкидлади.

«Мен, — деди Лумумба депутатлар учдан икки қисмининг қарсаклари остида, — Конгонинг тамомила мустақил бўлиши тарафдориман. Солдатларимизни кун сайин таҳқир қилмоқдалар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бизнинг суверенитетимизни ўз қўлига олди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти генерал Лундул самолётининг қўнишига халақит берди... Ўз атрофингизда қандай воқеалар бўлаётганлигига бир назар солингиз ва бу мамлакат ўзимизга қарашлими, деб савол берингиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг назарида давлат ҳам, ҳукумат ҳам йўқ. У мамлакатни аккупация қилади»...

Лумумба яна бундай деди: «Биз уларнинг пулини истамаймиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўшинлари бу ердан чиқиб кетсин. Улар бизни ўз ҳолимизга қўйсинлар. Фитна аслида шундан иборатки, мени ҳукумат бошидан тушириб, бошбошдоқлик вужудга келтиришни ва шу тариқа бизни васийликка олмоқ учун баҳона кидириб топишни истайдилар».

Лумумба Конго ҳукумати тезарагига жипслашишга бир неча марта даъват этди. «Ажнабийларга ва империалистларга қарши мамлакатимизни ҳимоя қилиш ва бу билан ўз проблемаларимизни ҳал этиш керак», деди у.

ИРОНДА ЕР ИСЛОҲОТИ УТКАЗИЛМОҚДА

БАҒДОД, 7 сентябрь. (ТАСС). Аграр ислоҳоти ўтказувчи олий ҳукумат комиссияси 70.600 деном ерни (бир Ироқ деноми 0.25 гектарга баравардир. — Редакция изоҳи) уч лив (вилоят) деҳқонлари орасида тақсимлашга қарор қилди.

Бундан ташқари комиссия деҳқонларнинг оилалари учун Хиллаливида еттита намуна посёлка ҳамда Сулаймония ливида уч посёлка қуришни мўлжалламоқда. Бу икки ливда ирригация шохобчалари барпо қилмоқ учун 22 минг ва 6.500 Ироқ динари ажратилган.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Телевизор экранида

9 СЕНТЯБРДА

19.00. Спорт эшиттириши.

19.45. Қозоқ адабиёти ҳафталигига бағишланган эшиттириш.

20.05. Халқаро масалалар юзасидан ўзбек тилида эшиттириш.

20.20. «Жонли афсона». Болгар халқининг миллий байрамига бағишланган киноочерк (ўзбек тилида).

20.50. Сўнгги ахборот.

21.10. Ўзбек давлат филармонияси хор капелласининг концерти.

21.40. Бадиий фильм — «Баҳор момақалдироқлари».

ТОШКЕНТНИНГ ТАМОША ЗАЛЛАРИДА

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/IX да **Севилья сартароши**, 10/IX **Травиата**. Кеч соат 8 да бошланади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 9/IX да **Фарғона ҳикояси**, 10/IX да **Ошиқ Ғариб**. Кеч соат 8 яримда бошланади.

Бабетта урушга боради — қишки «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 8 гача), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 8-40 ва 10-40 минутда).

Воқеа йўлдан бошланди — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 8-20 минутда), ПУШКИН номли (кеч 9 ва 10-40 минутда), «УДАРНИК» (кеч 8-40 минут ва 10 яримда).

Ҳамма қийинчиликни енгиб — қишки НАВОИЙ номли (кундуз ва кеч соат 10 да), ёзги НАВОИЙ номли (кеч 8-20 минутда).

Бразилия қуйлари — «СПУТНИК» (2-залда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 8 ярим ва 10-20 минутда).

Янги Деҳли (1 ва 2-серия) — қишки НАВОИЙ номли (кундуз соат 5 да), ёзги «ВАТАН» (кеч 8 яримда).

Маҳаллада дув-дув гап — қишки НАВОИЙ номли (кеч соат 8 да ўзбек тилида).

Хўмрайган Вангур — «СПУТНИК» (1-залда кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 9 ва 10-20 минутда).

Рим каникуллари — «ИСКРА» (кеч соат 9-40 минутда), КАФАНОВ номли (кеч 10 яримда).

1960 йил 15 сентябрда Бухоро шаҳрида

1960 ЙИЛГИ

пул-буюм лотереяси

3-чиқарилиш

БИЛЕТЛАРИНИНГ

ютуқлар тиражи

ўтказилади.

Тиражда 4.010.000 сўмлик 11.000 та буюм ютуғи ва 1.990.000 сўмлик 199000 та пул ютуғи ўйналади.

Ютуқлар орасида: «Волга» ва «Москвич» автомашиналари, тўрт хонали уйлар, мотоциклар, пианинолар, телевизорлар, гиламлар, тикув машиналари, соатлар ва бошқа қимматли буюмлар бор.

Лотерея билетларини сотиб олингиз!

Тошкент область давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармаси.



ТОШКЕНТ МОДЕЛЛАР УЙИГА

тўқимачилик буюмларининг Москвадаги Бутуниттифоқ виставкасида КИЙИМ МОДЕЛЛАРИНИ КИЙИБ КЎРСАТИШ УЧУН

қуйидаги

манекенчилар керак

Ўсмир қизлар — размерлари 44, бўйлари 2.

Қизлар — размерлари 46, бўйлари 3—4.

Жувонлар — размерлари 46, бўйлари 4.

Хотинлар — размерлари 48, бўйлари 4.

Хотинлар — размерлари 52, бўйлари 4—5.

Миллий кийимларни кийиб кўрсатиш учун эса маҳаллий миллат хотин-қизларидан бўлишлари шарт.

Энгельс кўчаси, 60-уйда Моделлар уйига келиб учрашилсин.

159-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

Тошкентда ишлаш учун: **қурувчи инженерлар, бинокорлик материаллари инженерлари,** мустақил балансга **бухгалтерлар, молиячилар, таъминот бошлиқлари,** қурилиш ихтисосларига доир **ишчилар**

керак

Навоий кўчаси, 22-уйда трестнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Тошкент шаҳар **«ГОРОСВЕШЕНИЕ» КОНТОРАСИГА**

электрик техниклар, слаботочник техниклар ва электромонтёрлар, ҳар хил разрядли электромонтёрлар, сувоқчи-бетончи, слесарь, токарь, электромонтёр шогирдлари

керак

Адрес: Пролетар кўча, 26-уй.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари институтнинг илмий ходими Ғ. Неъматовга онаси.

Мукаррама НЕЪМАТОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140 Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115, Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 08192. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А. 1874.